

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

Д.Холиқова

«МЕҲНАТ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ» ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ



ФАРҒОНА-2016

К И Р И Ш

Бугунги кунда жамиятимиз учун ҳар томонлама ривожланган фан-техника тараққиётини ҳаётга татбиқ эта оладиган етук малакали кадрлар тайёрлаш масаласи турибди.

Мактаб таълимининг ҳозирги боскичида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясидаги энг зарур вазифалардан бири ҳисобланади, чунки меҳнат ҳар қандай ривожланиш ва тараққиёт жараёнининг асосидир.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш уларнинг қизиқишлари, мойилликлари ва имкониятларига асосланган қўл меҳнати ҳисобланади. Шу муносабат билан меҳнат таълими жараёни ўқувчиларда ушбу ёш учун билим, меҳнат, ахлоқий эстетик, иқтисодий экологик ва ақлий имкониятларни аниқ меҳнат жараёнлари ривожлантиришга қаратилган, натижада уларни меҳнатга тайёрлашни кейинги синфларда давом эттирилиши учун зарур асос бўлиб хизмат қилади.

Қўл меҳнати жараёнида болалар асосан ишлаб чиқариш технологияси чиқиндилари (қоғоз, картон, сим, ёғоч, газмол парчаси в.б.), табиий ва сунъий хом ашёлар (лой, пластмасса, пластилин, елим в.б.) билан кенг истеъмол моллари ва халқ хунармандчилиқ маҳсулотлари тайёрлаш учун маҳаллий хом ашёлар, электр, радиотехника ва ҳоказолар билан ишлашга ўрганадилар.

Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларга қўл ашёлари билан ишлаш, ҳар хил хом ашёлардан фойдаланишнинг маълум тажрибасини тўплашга имкон беради. Бу эса меҳнатнинг қадрини ва маъносини тушунишга, меҳнат кишиларига ҳурматда бўлишга, меҳнат ҳамда касбнинг у ёки бу турига қизиқишни шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқувчилар ўзлари бажараётган у ёки бу нарсани тайёрлаш йўлларини ўрганиш билан бир қаторда ҳар бир кузатиб ўрганаётган нарсаларини турлича муаммолар орқали бажаришнинг янгича йўл ва усуллари устида фарқлашни ҳам ўрганадилар.

1- М А В З У
МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ВА ТАРБИЯСИНИНГ МАҚСАД ВА
ВАЗИФАЛАРИ

1. Ўқувчиларни меҳнатга ахлоқий тайёрлаш усуллари.
2. Ўқувчиларни меҳнатга психологик тайёрлаш йўллари.
3. Ўқувчиларни меҳнатга амалий тайёрлаш йўриқлари.
4. Меҳнат малакалари ва кўникмалари.
5. Ўқувчиларни мавзу бўйича муаммоли масалаларда фаҳмлашга ўргатиш.

А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Мавлонова Р.А. Меҳнат таълими методикаси. Т.: Ўқитувчи, 1986.
2. Саноқулов Х., Ҳайдаров М. Бошланғич синфларда меҳнат таълимидан амалий ишлар. Тошкент, 1994.
3. Мунавваров Т. Педагогика. Тошкент, 1992.

Меҳнат таълими ва касбга тайёрлаш вазифалари бошланғич мактабда бутун таълим-тарбия системаси ва барча ўқув предметлари ёрдамида ҳал этилади. Бу ўринда меҳнат дарслари этакчи рол ўйнайди.

Мактабда мунтазам меҳнат таълимининг бошланғич босқичи бошланғич синфлардаги меҳнат даргоҳлари ва кичик ёшдаги болаларнинг кўлидан келадиган ижтимоий фойдали меҳнатдир.

Бошланғич мактабдаги меҳнат таълимининг асосий вазифаси меҳнатга ахлоқий, психик тайёрлаш, ўқувчиларни бошланғич политехник билимлар билан қуроллантириш меҳнатга амалий тайёрлашдир. Ўқувчиларни меҳнатга амалий тайёрлаш деганда, уларнинг бу меҳнат натижаларига ҳурмат билан ёндашишлари назарда тутилади.

Меҳнатга ахлоқий тайёрлаш – болалар жамоасида ишлашни, дўстона ўзаро ёрдамни, ижодий ташаббусни, ташкилотчилик қобилиятларини намоён қилишдан иборатдир.

Меҳнатга психологик тайёрлаш. Ўқувчиларни меҳнатга психологик тайёрлаш мураккаб узоқ давом этувчи ва кўп қиррали жараён бўлиб, у бутун меҳнат таълими ҳамда тарбияга сингиб кетгандир. У гарчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, меҳнатга ахлоқий тайёрлашга жуда яқиндир.

Болани меҳнатга психологик тайёрлаш ва унда меҳнатга нишатан унинг ёшига мос келувчи онгли ҳамда ижобий муносабатларни таркиб топтириш, унда амалий малака ва кўникмаларни эгаллашга қизиқишни шакллантиришдан иборатдир. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга ёшлигидан бошлаб меҳнатнинг ижобий томонларини сингдиришдир. Болаларнинг меҳнатга қобилияти ҳар бир киши жамиятнинг фаолияти фаровонлиги учун зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқаришда қатнашиши зарурлигини англашларидир.

Меҳнатга психологик тайёрлаш турли психологик жараёнларни ривожлантириш ва такомиллаштиришни назарда тутаяди. Булар сезиб англаш

– психомотор, эмоционал идрок, диққат, хотира, тафаккур – меҳнатнинг психологик компонентларидир.

Меҳнатга ўргатишда боланинг имкониятларини назарда тутиб, ҳиссий билиш жараёнини такомиллаштириш зарур. Бундан ташқари боланинг хотирасини ўстириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Меҳнат бўйича ўқув материалларини эслаб қўлиш предметларга нишатан ўзига хос хусусиятга эга. Барча янги ашё, материал, операсияларнинг номи бошланғич синф ўқувчилари сўз номини предметни кўриб идрок этиш билан фикран фаҳмлайдилар, тушуниб оладилар.

Ўқувчи меҳнат дарсида фақат тушунибгина қўлмай, балки асосан материал ва буюмлар намунасини, ашёларнинг материалга ишлов бериш усулини, операсияларнинг изчиллигини кўради. Шунинг учун меҳнат таълимида эшитиш, кўриш хотираси ва ҳаракатлантирувчи хотира ҳам муҳим рол ўйнайди. Ўқувчиларда меҳнат дарсидан меҳнат дарсигача янгидан янги билим ва кўникмалар мужассамлашиб боради, бу ишларни англаш ҳамда хотирада сақлаб қўлиш керак.

Меҳнат таълимининг тўғри боришида эмоционал жараёнлар ҳам характерлидир. Болаларни қийинчиликларни энгишга қўйилган мақсадга эришиш йўлида матонат ва қатъият билан киришишга ўргатиш лозим.

Бошланғич политехник билим билан куроллантириш.

Бошланғич синфларда кенг маънодаги илмий асослар ҳақида эмас, балки политехник таълимнинг элементлари ҳақида гап боради. Бу ўқувчиларда фан-техника ютуқларига нишатан қизиқиш уйғотишга ёрдам беради.

Меҳнат бўйича бериладиган политехник билим ўқувчиларга нима учун материалга ундай ёки бундай ишлов бериш мумкинлигини, нима учун ўсимлик соя ёки яхши ишлов берилмаган эрда ёмон ўсишини, нима учун инсон кийим-бошини тоза тутиши кераклигини англашларига имконият яратади.

Политехник тайёргарликка эга бўлиш қўйилган меҳнат вазифаларни бажаришда ашёларда тўғри ва рационал фойдаланишда ёрдам беради. Шунингдек, бу тайёргарлик керакли ишлаб чиқариш операсияларини қандай ва қайси изчилликда амалга ошириш, қандай ашёларни қўллаш сабабларни англашга кўмаклашади.

Ўқувчиларга берилаётган политехник билим амалий кўникма ва малакаларга ўргатишни маълум даражада назарий амалга оширишга имкон берувчи заминлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Талабаларни меҳнат кўникмаси ва муаммоли ўқитиш методлари билан куроллантириш.

Меҳнатга амалий тайёрлаш меҳнат таълимининг муҳим омилларидан биридир. У ўзаро боғланган бир нечта элементлардан: оддий ашё ва мосламалардан фойдалана билиш у ёки бу материалга маълум изчилликда ишлов бера олиш, йўл қўйилган хатони ўз вақтида аниқлаш ва тўғрилай олиш кабилардан таркиб топади.

Меҳнатга амалий тайёрлаш фақат керакли билимлар базасидагина амалга ошиши мумкин. У бошланғич мактабда бошланғич политехник билимларга асосланади. Меҳнат таълимининг мазмунига мувофиқ ўқувчилар мазкур ёш учун қулай бўлган материалларга ишлов беришида қўлланиладиган оддий ашё ва мосламаларни ишнинг амалий малака ҳамда кўникмаларини эгаллайдилар. Оддий ашё мосламалар махсус ашё ва мосламаларнинг бош асоси ҳисобланади.

Амалий малака ва кўникмалар билан қуроллантириш асосий ишлаб чиқариш операсияларни ўргатиш ҳам демакдир. Бошланғич синф ўқувчилари дуч келадиган буюмлар технологияси хилма-хилдир, бироқ бу масалани батафсил ўрганмасдан иш операсияларнинг типиклигини сезиб олиш қийин эмас, улар материалларни ўлчаб олиш ва белгилаш; уларни эгиб, қирқиб, ишлов бериш; қисмларини элимлаш, тикиш, ўраш ва боғлаш каби йўллар билан бирлаштириш ва мустаҳкамлаш; деталларни йиғиш ва буюмни монтаж қилишдир. Яқунловчи босқич буюмни безашдир. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатга амалий тайёрлашга график малакаларини шакллантиришга ҳам тааллуқлидир.

Ўқувчилардаги меҳнатга бўлган қизиқишни ўз вақтида аниқлаш ва уларга меҳнат малакаларини севган машғулотларида такомиллаштиришларига ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Бунда ўқувчилар эътиборига энг оддий буюмлар, ўйинчоқлар, ўйин ва ўқув қуроллари тайёрлаш, нақшлар чизиб қирқиб олиш, аппликасия ишлари ҳавола қилинади. Бундан ташқари, болаларда меҳнатга қизиқиш уйғотиш, меҳнат дарсларида ҳосил қилинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш учун «Моҳир кўллар» тўгаракларида, куни узайтирилган гуруҳларда синфдан ташқари ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълими жараёнининг ўсишга таъсири.

Меҳнат таълими вазибалари ҳақида гапирилганда, ўқувчиларда меҳнацеварлик масъулият, интизомлик, бурч ҳисси, жамоатчилик ҳиссини тарбиялашни тилга олмаслик мумкин эмас. Шу билан биргаликда меҳнат одамлар тирикчилигининг, моддий ва маънавий таъминотининг воситаси, жамият тараққиётининг энг муҳим омилидир.

Болаларни ақлий ўстиришда меҳнат таълимининг роли кўп қирралидир. Меҳнат ўқувчиларнинг билим олишга интилишларини уйғотувчи воситагина эмас, балки унинг манбаи ҳамдир. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни ақлий ўстиришда жисмоний ва ақлий меҳнатни алмаштириб туриш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ҳар қандай меҳнат ҳам ақлий ўсишга ёрдам бермаслигини унутмаслигимиз керак.

Меҳнат таълимига ижодий ташаббуссиз ёндашиш меҳнатни ақлий ривожланиш омилига айлантормайди. Билимларни қўллашни талаб қилмайдиган, тафаккурни фаоллаштирмайдиган меҳнат фаолияти ақлий қобилиятларни ўстирмайди.

Меҳнат энг муҳим ирода ва ахлоқий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Меҳнат таълимида меҳнатга психологик тайёрлик, меҳнат фаолиятининг тўғри мотивлари тарбияланади, шахснинг ҳар бир онгли меҳнат касб учун зарур бўлган сифатлари шаклланади.

Дарсларнинг жиҳозланганлиги ўз меҳнати учун шахсий масъулиятни, меҳнат маданиятини тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Агарда болалар ёмон жиҳозланган синфда, кўпол, оғир ва ёшларига номуносиб ашёлар билан шуғуллансалар, иш натижалари кўнгилдагидек бўлмайди. Бундай шароитда табиийки, меҳнатга муҳаббатни, тартиблиликни, аниқликни, ашёларга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш қийин бўлади.

Меҳнат маданиятининг таркиб топиши учун дарсларда доимо болаларнинг эътиборини ашё ва материалларни сақлаш қоидаси ҳамда жойлаштириш тартибига, иш жойини тўғри жиҳозлашга, материаллардан тежамкорлик билан фойдаланиш усулларига, иш ҳаракатларининг меъёри ва сифатига, иш суръатини таъминловчи тадбирларга, ишлов беришда олинган аниқлик ва тозалikka риоя қилиш, нарсани чиройли қилиб безашни талаб қилиб бориш керак.

Агарда ўқитувчининг талаблари амалдаги фактлардан ажралиб турса, бунинг натижаси шартли бўлиб қўлса, бола ҳар бир қадамида тартиблиликка, аниқликка риоя қилиши лозимлигига ишонч ҳосил қилмаса, болаларнинг меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда муваффақиятга эришиши ҳақида гапириш қийин.

Меҳнат малакалари маданияти у ёки бу меҳнат жараёнида белгиланган тартибга ва ҳаракатлар изчиллигига риоя қилиш кераклигини мунтазам тушунтириб бориш билан бирга бўладиган кўп бора машқ қилишлар натижасида таркиб топади, ўқувчиларда ана шу фаолият такомиллашиб боради.

Керакли материал ва ашёлар билан этарли таъминланмаганлик ҳам меҳнат маданиятининг шаклланишига салбий таъсир этади. Баъзан ўқувчиларнинг тайёрланмаганликлари ва уюлмаганликлари туфайли ўқитувчининг кўп вақти бекорга сарф бўлади: бири қайчисини, бири қоғозини олиб келмасдан иш қилаётган ўртоғини нарса сўраб чалғитади. Шунинг учун ўқитувчи дарс бошлашдан олдин фаоллар ёрдамида ўқувчилар ўртасидаги дўстона ўзаро ёрдамга таяниб, ўз вақтида чоралар кўриши лозим. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўқувчининг уйига жўнамаслиги ёки жазо бериш тартибида ўқувчининг ишсиз қўлдирмаслиги керак, афсуски, бундай ҳоллар амалиётда учраб туради.

Ўқувчилар ўртасида йўлга қўйилган ўзаро ёрдам уларда дўстлик, биродарлик, жамоатчилик каби фазилатларни таъминлайди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Меҳнатга ахлоқий тайёрлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Ўқувчиларда иш унуми қандай оширилади?
3. Ўқувчиларда меҳнат кўникмаси қандай ҳосил қилинади?

4. Меҳнатга болаларни муаммоли тайёрлаш нима?
5. Муаммоли масалаларни ҳал қилишга қандай ўргатилади?
6. Меҳнат таълимини ўқитишдан мақсад нима?
7. Меҳнат таълимида амалга ошириладиган тарбиявий ишларга нималар киради?
8. Меҳнат тарбиясининг вазифаларига нималар киради?
9. Меҳнат таълимига ўқувчиларни назарий тайёрлашда нималарга аҳамият берилади?
10. Синфдан ташқари ишлар орқали тарбиялашдан мақсад нима?
11. Меҳнат таълими ва тарбиясини такомиллаштиришдаги муаммоларга нималар киради?

2- М А В 3 У. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ВА ТАРБИЯСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Меҳнат дарсининг мақсади.
2. Меҳнат таълими олдида турган вазифалар.
3. Меҳнат дарсларида муаммоли мақсаднинг аҳамияти.
4. Муаммо турлари.

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Мавлонова Р. Меҳнат таълими методикаси. Т., 1986.
2. Перевертен В. Ўқувчиларда ижодкорликни шакллантириш. Т.: Ўқитувчи, 1990.

*Хунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққаму кеткумдир охир.
А.Навоий.*

Мустақил Республикамиз амалиётида қўлланаётган “Бахт қонунимиз”да белгилаб берилган қонунларимиздан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар томонлама камолга этган баркамол инсон учун зарур бўлган маънавият қиррали иймон, эътиқод, ватанпарварлик, инсонга чексиз муҳаббат, дўстлик, сабр-тоқатлилик, меҳнацеварлик миллий ғурур каби фазилатларни шакллантириш зарурдир.

«Асрлар давомида инсон ақл-заковати бунёд этилган бой маънавият туфайли, – дейди президентимиз И.А.Каримов, – халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди». Буюк алломаларимиз томонидан яратилган оғзаки ва ёзма ижодиёт, авлоддан авлодга ўтиб келаётган иймон-эътиқод сирларининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳақидаги билимлар билан ёшларни қуроллантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги янги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълим соҳасидаги сиёсатимизни белгилаб берди. Узлуксиз таълим

ташқил этишни ривожлантириш принциплари узлуксиз таълимни ислох қилиш, узлуксиз таълим тизими ва турлари масалаларини қамраб олган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ҳар бир инсоннинг айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадга эришиш ўзгариш боғлиқ эканлигини, яъни бу нарсалар уларнинг собитқадам, ғайрат шижоатига тўла-тўқис фидокорлиги ва чексиз меҳнацеварлигига боғлиқ эканлигини англаб этишлари керак»¹.

Меҳнатни шарафлаш, меҳнат аҳолини кадр-қийматини унинг машаққати учун астойдил курашиш, ўсиб камол топаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида меҳнатга муносабатларни шакллантириш зарур бўлиши, ёш авлод жамиятимиз тараққиётида ўз билими; меҳнат касб ҳунарлари билан ҳисса қўшишлари педагог тарбиячиларнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Кичик синф ўқувчиларини қўл меҳнатга ўргатишнинг асосий мақсади, бошланғич меҳнат элементлари босқичлари яъни бажарилаётган ишларнинг оддий элементлари (қоғозларни буклаш, қирқиш, элимлаш, геометрик фигураларни яшаш, аппликасия ишлари) билан ишлай олишни ўргатишдир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Меҳнат деганда нимани тушунасиз?
2. Меҳнатга қандай муносабатда бўлиш керак?
3. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида қандай ишлар ўрганилади?
4. Меҳнат дарсида қандай муаммолар бўлиши мумкин?
5. А.Навоийнинг «Ҳунарни асрабон неткумдир охир, Олиб тупроққа му кеткумдир охир» байтининг маъноси нима?
6. Меҳнат таълимини бошланғич синфдан бошлашнинг сабаби нимада?
7. Ўқувчиларнинг меҳнатга қизиқишларини уйғотиш йўллари қандай амалга оширилади?
8. Меҳнат таълимининг қандай йўллари мавжуд?
9. Ўз-ўзига хизматга қандай болалар жалб қилинади?
10. Меҳнат дарсларида муаммога дуч келганмисиз?

3- МАВЗУ.

МЕҲНАТ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1. Меҳнат фанини ўқитишнинг аҳамияти ва вазифалари.
2. Меҳнат фанини ўқитиш усуллари.
3. Қўл меҳнатини ўқитиш усуллари.
4. Ўқитувчиларнинг методлардан фойдаланиши.
5. Муаммоли ўқитишнинг тарбиявий аҳамияти.

¹ Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqloli va taraqqiyot yo'li. T.: O'zbekiston, 1992, B.23.

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Мунавваров Т. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Мавлонова Р. А. Меҳнат таълими методикаси Т.: Ўқитувчи, 1986.
3. Шмулеевич М. М. Қоғоздан моделлар яшаш. Т.: Ўқитувчи, 1990.

Илмий-техник тафаккурнинг борган сари ёшларнинг фан-техниканинг жўшқин ривожланишида фаол иштирок этишлари фақат таълим мазмунини эмас, балки ўқитиш жараёнининг усули ва ташкил этилишини, ўқитишга қизиқишни, ижодий қобилиятни, эгалланган билимларни амалда ижодий қўллай билишни ривожлантириш мақсадларда такомиллаштиришни ҳам талаб қилади. Бу эса мактаб зиммасига ёшларда ижодга эҳтиёж уйғотиш, ижодий қобилиятлар ҳар қандай фаолиятга ижодий ёндашиши асосларини таркиб топтириш, ижодий масалаларни мустақил ҳал этишга ўргатиш вазифасини юклайди.

Техник меҳнатга ўргатишнинг аҳамияти техник меҳнат малакаларини эгаллаш имкониятини бериш билан чекланмайди, балки бу малакалар ҳамма учун кераклигини эътироф қилиш керак. Кўпгина илмий кенгашлар, агарда унда қатнашган кишилар турмуш ишларини бажаришни: овқат пишириш, кийимни ямаш, озодаликни сақлаш ва шу қабиларни билмаганларида шунчалик мувофақиятли чиқмаган бўлар эди.

Кўпгина ўқитувчилар ўқитишнинг турли метод ва усулларини қўллаб, шунингдек, синфдан ташқари ишларни қизиқарли ташкил этиб, яхши ўзлаштириш натижаларига эришмоқдалар ва билимга муҳаббат ҳамда қизиқишларни сингдирмоқдалар. Бундай ўқитувчилар қўл меҳнатини ўргатишда ўқувчиларга турмуш соҳасидаги билим ва кўникмаларни сингдириш билан бирга, уларда ижобий қобилиятларни ҳамда билишга қизиқишни, мустақил фаолликни ўстиришга ёрдам бермоқда.

Қўл меҳнатига ўргатишда бошқа фанларни ўргатишда бўлганидек муаммонинг хилма-хил усуллари қўлланиб, улар ёрдамида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишларига, унинг билиш қобилиятларини ривожланишига эришилади.

Ўқитиш усуллари доим ҳам замонавий мактабларда қўллангандек бўлавермайди. Мактаб ривожланиб борган сари ўқитиш усуллари ҳам ўзгариб боради. Ўтмиш мактабларида ўқиш жараёнида бўйсундириш тури ҳукмронлик қилган. Болалар дарс мазмунини англамай кўр-кўрона ёд олишга ўрганганлар.

Ижтимоий тараққиёт, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши таъсирида ўқув жараёнининг анчагина мукаммаллашган тури – тушунтириш вужудга келиб, у узоқ муддат эски мактаб билан бирга мавжуд бўлган. Бу турдаги ўқитишнинг керакли хусусияти баён этилаётган матнни аввал тушунишни, сўнгра ёд олишни назарда тутар эди. Баённи яхшироқ тушуниш учун кўргазмалиликка кўпроқ эътибор берила бошлади. Бу олға қўйилган қадам эди. Энди ўқувчи хотирасига аналитик-синтетик тафаккур фаолияти ҳам қўшилди. Ўқувчилар баён этилаётганини айнан буюмни эмас, балки ўз

сўзлари билан буюмни бажарилишини ёд этишлари талаб этилади. Бирок асосий ўринни ҳали ҳам намуна, тайёр кўргазма бўйича ишлаш эгаллайди. Ҳозирги замон мактаби дарснинг турли муаммоларга бой ва замонавийлигини оширди, такомиллаштирилди ва унга сайқал берди. Ўқитувчи дарсга тайёрланар экан, ҳар бир тайёр мавзу, кичик мавзу, мазкур дарс учун унинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ қиладиган ишни усул ва кўргазмали куролларни тайёрлайди.

Кўл меҳнاتини ўрганиш ҳам замонавий педагогиканинг ишларини тўғри ташкил этиш ва унинг усулларига қўядиган умумий талабларга мувофиқ тарзда амалга ошириши керак. Ўқитиш методлари – бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллашларига эришилади. Ўқитувчи ўз тажрибасида ўқитишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчининг интилиши ҳатти-ҳаракати, дарсда ўқувчиларнинг диққат ва эътибори сусаймаслигига, фикрларнинг жамланган бўлишига, уларнинг чарчамаслиги ва зерикмасликларига йўлланган бўлиши керак. Ўқитувчи дарснинг ҳар бир дақиқасини қадрлаб, ўқувчиларни ҳам шу нарсага ўргатиши керак. Ҳар бир ўқитувчига ўз услуги, ўз усулининг ўзига хослигига эга бўлиш ҳуқуқи берилган. Бирок, шуни айтиш мумкинки, буларнинг барчасига мустаҳкам билим биринчи қарашда ҳаммага равшан бўлган ҳақиқатларни эгаллаб олганларидагина эришиш мумкин. Ўз фаолиятини ўқитувчилик меҳнатига бахш этмоқчи бўлган ўқитувчилар мана шу ҳаммага маълум ҳақиқатни ўзлаштиришдан бошлаши керак. Улар дарсда суҳбат, гапириб бериш, амалий машғулот каби усуллардан фойдаланиб, ўзлаштирганини текшириш, янги мавзунини тушунтириш ва ўтилганларни мустаҳкамлаш каби дарс этапларини бошдан ўрганишлари лозим. Фақат барчага маълум ҳақиқатлар ўзлаштирилгандан кейингина синфнинг имкониятларини назарда тутиб, янгисини қўллаш мумкин.

Ўқитиш усуллари билимларнинг шундай даражада эгалланишига хизмат қилиши керакки, унда ўқувчилар чизмани ўқитувчи чизган ўлчамлар асосида эмас, буюмнинг исталган ўлчами бўйича чизиб эгаллаган билимларини амалда қўллай олсинлар.

Кўл меҳнати ўргатишда қўлланадиган асосий усуллар тизими куйидагилардир:

1. Оғзаки баён қилиш.
2. Тушунтириш ва ҳикоя қилиш.
3. Инструктаж.
4. Суҳбат.
5. Машқлар.
6. Амалий ишлар.
7. График ишлар.
8. Лаборатория ишлари.
9. Мустақил ишлар.
10. Экскурсия.
11. Китоб билан ишлаш.

12. Кино (таълимнинг техник воситалари).

13. Муаммоли таълим.

Оғзаки баён қилиш усули икки шаклда мавжуд бўлиши мумкин:

1. Монологик баён қилиш. Бунда фақат ўқитувчи гапиради, ўқувчилар эса унинг нутқини идрок этиб, англаб оладилар. Қўл меҳнати дарсларида у тушунтириш ва ҳикоя қилиш, инструктаж кўринишида бўлади.

2. Мавзуни муаммоли баён қилиш. Бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро яқинлашувини келтириб чиқаради.

Ҳикоя қилиш дастур матнини жонли ва ўқувчилар тушунтирилаётган нарсаларни қанчалик ўзлаштираётганликларини аниқлаш мақсадида уларга саволлар бериш билан мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳикоя аслида бажарилган ишлар, намуналар, расмларни кўрсатиб қилинса анча тушунарли бўлади. Бу ўринда тушунтириётганингда кўрсат ва тушунтир, деган қоида бажарилади. Янги мавзуни баён қилишда, ўқувчилар бир хил эмаслигини назарда тутиш лозим. Тушунтиришда бўш ўзлаштирувчиларга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳикоя қилиш жараёнида уларнинг идрокларини фаоллаштириш мақсадида тушунтирилаётган мавзу юзасидан уларга 1–2та савол бериш мумкин.

Ўқитувчи ҳикояси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- мазмунга кўра;
- баён этилишига кўра;
- материал қизиқарли ва ўқувчиларнинг фикрини фаоллаштирадиган;
- ҳикоя ўқитувчи ўқувчилар тушунчаларига асосланиши лозим;
- ҳикоя жараёнини ўқувчилар яхшироқ тушуниб олишлари учун кўргазмалар куруллар – тикувчилик, расмлар ва бошқа воситалардан фойдаланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Меҳнат дарсида қандай методлардан фойдаланиш лозим?
2. Қўл меҳнатида қайси усулдан фойдаланилади?
3. Меҳнат тарбияси деганда нимани тушунасан?
4. Меҳнат дарсида қандай муаммоли ўқитиш методлари бор?
5. Қўл меҳнатида қандай муаммоли ўқитиш методларидан фойдаланилади?
6. Меҳнат дарсларида оғзаки суҳбат методларидан қачон фойдаланасан?
7. Меҳнат таълимида қандай усул ва методлардан фойдаланиш ижобий натижа беради?
8. Майиш меҳнатни амалга оширишда қандай муаммоларни кузатиш мумкин?
9. Замонавий методлардан қўл меҳнатида қайси турларини қўллаш фойдали саналади?
10. График ишларга қандай ишлар киради?

4-5 М А В З У Л А Р.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИ

Меҳнат таълимининг мазмуни ва унинг ташкил этилиши. Меҳнат таълими дастурида ўқувчилар меҳнат дарсларида эгаллаши лозим боиган илмий-техник билимларининг, меҳнат малака ва кўникмалари ҳажми ҳамда мазмуни белгилаб борилади.

Дастурда жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларга меҳнат таълимини бериш, уларни тарбиялаш соҳасида қўйилган мақсад ва вазифалар қъз ифодасини топган. Меҳнат таълими дастури ўқув режа- си асосида ишлаб чиқилади. Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг кун- далик фаолиятида бу дастурга амал қилади ва ланинг бажарилиши мажбурий ҳисобианади. Шу билан бир қатордаўқитувчи ўқув дастурига маҳаллий шароитни ҳисобга олиб маълум ўзгаришлар киритиши мумкин. Бу борада бирқанча таъаблар ҳисобга олиниши лозим. Дастурнинг мазмуни педагогиканинг дидактик принципларга тўла-тўқис жавоб бериши, илмий ва мафкуравий жиҳатдан пухта бўлиши, мураккаблиги ортиб бориши ҳисобга олинган ҳолда ва меҳнат таълимининг танланган дидактик тизимига мувофиқ равишда, муайян изчилликда баён қилиниши, турмуш тажрибаси билан боғланган боғлиқлиги керак.

Меҳнат малака ва кўникмалари билан қуроллантириш. Ўқувчиларни тарбиялаш ва уларни ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлашда меҳнат малакалари ва кўникмалари катта ўринга эга. Бошланғич синф ўқувчиларига меҳнат таълимини бериш вазифаларидан бири уларда бир қатор меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантиришдир.

Меҳнат таълими дастури талабларини бажаришда, мавзуга оид билим беришда, малака ва кўникмаларни шакллантиришда ўқувчиларга маълум ҳажмдаги политехник билимлар берилади. Бошланғич политехник билим билан қуроллантириш ўқувчиларга предметни яшаш, ишлов берилаётган материалнинг хусусиятлари, технологик ўзига хосликлари, материалга қўлда ишлов берилганда қўлланиладиган ашё-мосламаларнинг хусусиятлари, улардан фойдаланиш қоидалари ҳақида маълумот бериб борилади.

Ўқувчиларга берилаётган политехник билим, амалий кўникма ва малакаларга ўргатиш маълум назарий даражада амалга оширишга имкон берувчи заминдир.

Амалий малака ва кўникмалар билан қуроллантириш амалий машғулот турларини ўргатиш ҳам демакдир. Бошланғич синф ўқувчилари бажариши керак бўладиган амалий иш турлари хилма-хилдир, бироқ меҳнат малака ва кўникмаларини эгалламасданоқ амалий иш жараёнидаги материалларни олчаб олиш ва белгилаш, уларни қирқиб, ишлов бериш, қисмларни елимлаш, тикиш, ўраш ва боғлаш каби йўллар билан бирлаштириш ва мустаҳкамлаш, деталларни йиғиш ва буюмни мантаж қилиш ва буюмни безаш ишларини бажариш бир қатор қийинчиликлар туғдиради.

Ўқувчилардаги меҳнатга бўлган қизиқишни ўз вақтида аниқлаш ва уларга меҳнат малакаларини севган машғулотларида такомиллаштиришларига ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Бунда ўқувчиларнинг эътиборига энг оддий буюм ўйинчоқлари, ўйинлари, ўқув қуролларини тайёрлаш, нақшлар чизиб ва қирқиб олиш, аппликация ишлари ҳавола этилади. Бундан ташқари ўқувчиларда меҳнатга қизиқишни уйғотиш, меҳнат дарсларида ҳосил қилинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш учун “Мохир кўллар” тўғрақларида, синфдан ташқари ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кўникма - бу кишининг билим ва тажриба асосида эгалланган, маълум ҳаракатни онгли бажаришга бўлган қобилиятидир. Масалан: картонни кеса билиш кўникмаси, қайчини тўғри ишлата олиш, ҳаракатни аниқ мувофиқлаштириш, йўналиш, куч ва босимнинг тенглигини сақлаш.

Малака - бу фаолиятдаги машқ қилишлар жараёнида етилган, мужассамлашган тажрибадир. Бу тез ва аниқ бажариш, машқ қилиш туфайли таркиб топган кўникма ёки бу маълум миқдордаги машқ ва усуллар бажарилганда кўникмадан сакраб ўтиш деган маънони англатади. Шунунг учун мазкур кўникма агарда малакани юзага келтиришни назарда тутган машқ ва усуллар тўғри тузилган болса у тўғри малакага айланиши мумкин. Бироқ малаканинг такомиллашув даражаси ўқитишнинг турли босқичларида турличадир. Унинг структураси ҳам ўзгарувчандир. Машқлар жараёнида ўқувчилар бажарилаётган ҳаракатлар мураккаблашиб борган сари, аста-секин оддий малакаларнинг мураккаб малакаларга бирлашуви содир бўлади.

Меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантириш қуйидагича асосий босқичлардан таркиб топади:

- a) бошланғич тушунча бериш;
- b) меҳнат ҳаракатларини синов учун бажариш;
- d) иш ҳаракатлари натижаси;
- e) якуний хулоса чиқариш.

Меҳнат малакалари ва кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган амалий ишлар фақат вақтга кўра тақсимланганда ҳамда маълум тизим асосида ўтказилгандагина ижобий натижа беради.

Амалий ишлар тизими қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

1. Амалий ишлари бажариладиган топшириқнинг мураккаблиги ошиб боришини назарда тутган ҳолда жойлаштириш лозим.

2. Бажарилаётган амалий иш мазмуни тўлиқ тарзда олдинги амалий ишга асосланиши лозим.

3. Амалий иш жараёнида мустақил ишлаш даражаси ортиб бориши керак.

Меҳнат малакасининг муваффақиятли бўлиши бир қатор ишларларга боғлиқ. Ўқувчи ўз фаолиятини мустақил режалаштирмас экан, унинг малакаси ҳеч қачон тўлиқ бўлмайди. Назоратнинг йўқлиги кўпинча хато ва нуқсонларнинг амалий ишлар жараёнида ортиб боришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида етилмаган ҳаракат ва усулларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнат таълими бўйича ишлари амалга ошираётганда ўқувчилар у ёки бу ишни бажариш натижасида қандай

кўникма, билим ва малакалами эгаллашларини аниқ билиши керак. Ана шундай ҳолда ўқитувчи синф учун шу вақтда зарур бўлган материалларни танлаш имкониятига эга бўлади. Бу ўринда муҳими ўқувчилар мазкур материалларни тайёрлаш жараёнида дастур назарда тутган билим ва малакалами эгаллаб олишларидан иборат. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларидаги таълим-тарбиявий вазифалар умумтаълим мактабларидаги меҳнат таълимнинг умумий вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги машғулот турлари жараёнида амалга оширилади:

1. Қоғоз ва картон билан ишлаш.
2. Газлама ва толали материаллар билан ишлаш.
3. Турли ва табиий материаллар билан ишлаш:
 - а) пластилин ва лой иши;
 - б) уруғлар билан ишлаш;
 - д) аппликация ва мозаика ишлари;
4. Лойиҳалаш ва моделлаштириш:
 - а) бадиий қуриш-ясаш.
5. Қишлоқ хўжалик меҳнати.

1-синф

Қоғоз ва картон билан ишлаш (13 соат)

Қоғоз ва унинг турлари, қоғоздан буклаш усулида турли ўйинчоқлар, қоғоздан саватча, китоб учун хат чўп, “Қиш” манзарасини аппликация усулида ишлаш, арчага осиладиган турли ўйинчоқларни ясаш. Турли байрамлар учун ниқоблар, майдаланган рангли қоғозлардан мозаика усулида мевалар шаклини ясаш. Картон сиртида уйча шаклини гугурт чўпларидан ясаш. Рангли қоғозлардан қирқилган геометрик шакллар билан ишлаш. Наврўз байрамига табрикнома тайёрлаш. Сабзавот ва меваламинг уруғидан аппликация усулида ёйсимон нақш тузиш.

Газлама ва толали материаллар билан ишлаш (5 соат)

Тикувчиликда ишлатиладиган ашёлар. Газлама билан ишлаш, тўғри чок тикишни ўрганиш. Тўғри чок турларидан фойдаланиб, куёш тасвирини тикиш. Газлама билан ишлаш. 2 тешикли тугмачани тикиш.

Пластилин ва лой иши (3 соат)

Лой ёки пластилиндан ишлаш қодалари ҳақида тушунча. Пластилиндан турли ҳайкалчалар, жўжа шаклини ясаш. Пазандачиликда ишлатиладиган хомашёлар, ашё-ускуналар ҳақида суҳбат (Пластилиндан торт, пишириқлар шаклини ясаш).

Турли материаллар билан ишлаш (4 соат)

“Олтин куз” мавзусида гербарий тайёрлаш. Баҳорги дала ишлари. Мактаб ер участкасидаги гулларни парваришлаш.

Бадиий қуриш-ясаш (8 соат)

Табиий ва турли материаллардан ўйинчоқлар, парранда ёки ҳайвонлар шакллари қуриш-ясаш. Ҳокандоз, рангли қоғоздан қирқилган геометрик шакллами бир-бирига елимлаш, қоғозни буклаш ва елимлаш орқали ўйинчоқлами, турли макетлар ва учувчи планер қуриш-ясаш.

2-синф

Қоғоз ва картон билан ишлаш (13 соат)

Қоғозларни буклаш усуллари, рангли қоғозлардан турли гуллар шаклини ясаш. Қоғозни қирқиш ва буклаш орқали декоратив гуллар, китобча учун муқова тайёрлаш. Рангли қоғозлардан арча безакларини ясаш. Рангли қоғозлардан ўйинчоқ пирпирак, иккига букланган қоғозлардан қирқиб, аппликация усулида нақш ясаш. Қоғоз ва картон ёрдамида “Баҳорги гулдаста” аппликация усулида тайёрлаш. Учириладиган қоғоз қуш ясаш. Қоғоздан аппликация усулида табрикнома тайёрлаш. Қоғоздан турли ўйинчоқлар ясаш.

Газлама ва толали материаллар билан ишлаш (3 соат)

Оддий чок турларидан фойдаланиб игна учун ёстикча, гул уруғлар учун халтача тикиш.

Техник моделлаш (2 соат)

Геометрик шакллардан робот ясаш-қуриш. Ҳаракатланадиган ўйинчоқлар ясаш.

Пластинин ва лой иши (5 соат)

Турли шаклларга эга бўлган ўйинчоқлар, халқ хунарманд усталари ишлаган иш намуналарига қараб пластинин ёки лойдан ўйинчоқлар, уй жиҳозлари намуналарини ясаш. Светофор макетини қуриш-ясаш. Гуллаётган дарахт шохчасини қуриш-ясаш.

Турли материаллар билан ишлаш (9 соат)

Табиий уруғлардан аппликация усулида нақш тузиш. Тухум пўчоқларидан ҳажмдор ўйинчоқлар ясаш. Мозаика усулида кўконгул, турли сабзавот ва меваларнинг уруғларидан йўлсимон ва квадарт ичида нақшлар тузиш, табиий материаллар билан ишлаш, қўритилган барглардан ҳайвонлар шаклини, табиий материаллардан жониворлар, чиқинди материаллардан ўйинчоқлар ясаш. Мактаб ер участкасида баҳорги дала ишларини бажариш.

Бадиий қуриш-ясаш (2 соат)

Рангли қоғозлардан арча безакларини, Наврўз байрамига синфни безаш учун турли материаллардан осма ўйинчоқлар қуриш-ясаш.

3-синф

Қоғоз ва картон билан ишлаш (13 соат)

Қоғоздан турли паррандалар, турли геометрик шакллар, рангли қоғозлардан гуллар ясаш. Папе-маше усулида ўйинчоқлар, идишлар, ҳажмдор гул тайёрлаш ва безаш. Қоғоздан гуллар, ўйинчоқлар, герляндлар, арча безакларини ясаш. Расм учун рамка тайёрлаш. Аппликация усулида байрамларга табрикномалар ясаш.

Газлама билан ишлаш (7 соат)

Чок турларидан фойдаланиб, картондан гулдон, човгум ушлагич, юмшоқ ўйинчоқ тикиш. Тўқиш турлари ҳақида маълумот, тўқишнинг оддий усуллари, турли геометрик шаклларни тўқиш.

Техник моделлаш (2 соат)

Турли ҳаракатли ўйинчоқлар яшаш.

Пластилин ва лой иши (3 соат)

Пластилин ёки лайдан турли идишлар, ҳайвонлар, ўйинчоқлар яшаш.

Турли материаллар билан ишлаш (2 соат)

Табиий материал лардан турли ўйинчоқ яшаш. Чикинди материаллардан турли ўйинчоқлар яшаш.

Бадиий қуриш-яшаш (7 соат)

Табиий хомашёлардан аппликация усулида, уруғлардан мозаика қуриш-яшаш. “Қуш боласи билан” композициясини қуриш-яшаш. “Йил фасллари” манзарасини қуриш-яшаш.

4-синф

Қоғоз ва картон билан ишлаш (10 соат)

Меҳнат таълими дарсларида иш қуролларидан хавфсизлик қоидалари асосида унумли фойдаланиш. Турли байрамларга аппликация усулида табрикнома тайёрлаш. Дурадгорлик ашёлари. Қоғоздан турли буюмлар яшаш ва уни безаш. Қорбобо устахонасида арча безакларини яшаш. “Қиш”, “Баҳор” манзараларини аппликация усулида ишлаш. Тўғри тўртбурчак ичида аппликациядан фойдаланиб, нақш тузиш. Гиламдаги нақшлар. Кулолчилик касби ҳақида маълумот. Папе-маше усулида коса яшаш. Ҳамир тайёрлашга ўргатиш (қоғоздан чучвара).

Газлама ва толали материаллар билан ишлаш (7 соат)

Чок турлари, юмшоқ ўйинчоқлар тикиш. Тўқиш ҳақида умумий маълумот, тўқишда ишлатиладиган ашё-ускуналар, улардан фойдаланиш ва хавфсизлик қоидалари, тўқиш усуллари. Газлама гулларидан аппликация усулида гулдаста тайёрлаш. Ипдан ўйинчоқ яшаш.

Техник моделлаш (2 соат)

Геометрик шакллардан учувчи моделлар яшаш.

Пластилин ва лой иши (5 соат)

Пластилин билан ишлаш. Эртақ қаҳрамонларини яшаш. Ошхона жиҳозлари билан таништириш. Пластилиндан ошхона жиҳозлари яшаш. Уй-рўзғор буюмлари билан таништириш. Пластилиндан уй-рўзғор буюмлари яшаш.

Турли материаллар билан ишлаш (5 соат)

Кузги гулларга қараб донлардан, уруғлардан, табиий материал, хомашёлардан гуллар яшаш. Гулларни парвариш қилиш. Мактаб ер участкасида ишлаш.

Бадиий қуриш-яшаш (5 соат)

Уруғлардан мозаика усулида турли ҳайвонларни қуриш-яшаш. Мустақил равишда табиий хомашёлардан квадрат ичида нақш қуриш-яшаш. Дурадгорлик ашёлари билан таништириш. Турли идишлар яшаш ва уни безаш. Геометрик шакллардан “Куз” манзарасини қуриш- яшаш.

Ҳар бир ўқув йилида ва барча синфларда иш турлари шу тартибда олиб борилади. Биринчидан, ўқувчилар маълум назарий билимларга эга бўладилар, уларнинг фанлараро технологик хусусиятлари, уларнинг ҳаётда қўлланилиши билан танишадилар. Иккинчидан материалларга ишлов

беришда энг оддий усуллардан бошлаб мураккаб усулларгача амалий ўрганадилар.

Саволлар

1. Меҳнат таълими дастури нима асосида ишлаб чиқилади?
2. Дастурга қандай шароитда ўзгартириш киритиш мумкин?
3. Меҳнат таълимининг мазмуни қандай талабларга жавоб бериши керак?
4. Ўқувчилардаги меҳнат малакаси ва кўникмаси қандай шаклланади?
5. Амалий машқлар тизимидаги асосий талаблар нималардан иборат?

6 МАВЗУ

МЕҲНАТ ДАРСЛАРИДА ҚЎЛ МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЛАБЛАРИ

Бошланғич синфларда ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш уларнинг кизиқишлари, мойилликлари ва имкониятларига асосланган қўл меҳнати ҳисобланади. Шу муносабат билан меҳнат таълими жараёни ўқувчиларда ушбу ёш учун билим, меҳнат, ахлоқий, эстетик, иқтисодий-экологик ва ақлий имкониятларни аниқ, меҳнат жараёнларида ривожлантиришга қаратилган, натижада уларни меҳнатга тайёрлашнинг кейинги синфларда давом эттирилиши учун зарур алоқадорлик ҳосил қилинади.

Қўл меҳнати жараёнида болалар асосан ишлаб чиқариш технология чиқиндилари (қоғоз, картон, юмшоқ сим ёғоч. Газлама ва бошқалар) билан; табиий ва суъний хом-ашёлар (махсус лой, ёғоч ва пластмассалар, пластелин, елим ва бошқалар) билан, кенг истеъмол моллари ва халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари, тайёрлаш учун маҳалий хом-ашёлар билан электр, радиотехника тўпламлари ва ҳаказолар билан ишлашга ўрганадилар.

Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларга қўл ашёлари билан ишлаш, ҳар хил хом ашёлардан фойдаланишнинг маълум тажрибасини тўплашга имкон беради, бу эса меҳнатнинг кадрини ва маъносини тушунишга, меҳнат кишиларига ҳурматда бўлишга меҳнатнинг ва касбнинг у ёки бу турига кизиқишларини шакллантиришга ёрдам беради.

Қўл меҳнатига ўргатишда бошқа фанларни ўргатишда бўлганидек, ўқитишнинг хилма-хил усулларини қўллаб, улар ёрдамида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини эгаллаб олишларига, шунингдек билиш қобилиятларини ривожланишига эришилади.

Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини турли иш турлари билан шакллантириб бориш қуйидаги вазифалар бўйича ўзлаштирилади:

- меҳнат қуролларидан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалана олиш;
- қоғознинг инсон фаолиятидаги аҳамиятини билиш ва у билан ишлай олиш;
- меҳнатга ижодий ва онгли ёндоша олиш;

- техник моделлаштиришга оид ишларни бажара олиш;
- турли материалларига ишлов бериш жараёнини билиш;
- картон билан ишлай олиш;
- ўзининг ва ўзгаларнинг меҳнат фаолиятини баҳолай олиш;
- уй-рўзғор ишларини бажара олиш;
- содда конструкторлик ишларини бажариш;
- маҳалий ва табиий материаллардан фойдалана олиш;
- газлама, ип ва тикув ашёларини билиш;
- оддий тикиш ишларини бажара олиш;
- инсон меҳнати ва фаолияти турларини англаш;
- қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ҳаёти ва меҳнатини билиш:
- техник моделлашга оид содда ва енгил ишларни бажара олиш (ўғил болалар);
- оддий бичиш-тикиш ишларини бажара олиш (қиз болалар).

Кичик синф ўқувчиларини қўл меҳнатига ўргатишнинг асосий мақсади, бошланғич меҳнат элементлари босқичларини, яъни бажариладиган ишларнинг оддий элементлари (қоғозларни буклаш, қирқиш, елимлаш, геометрик фигураларни ясаш, аппликация ишларишни ясаш билан бошлайдилар.

Яратилган меҳнат натижалари ўзига ва ён атрофдагиларига фойдаси тегишини кўрган ўқувчи меҳнатни асраб-авайлашга ва меҳнат кишиларининг меҳнат натижаларини ҳам ҳурмат-иззат қилишга ўрганади.

Топширилган ишга масъулият ҳиссини ва меҳнатдаги интизорани тарбиялаш, ўқитишнинг ишлаб чиқариш билан бирга олиб борилиши саломатлик ва ёш учун фойдали, жамият учун керакли меҳнат изчиллигини амалга оширади.

Ўқувчилар баён этилаётган айнан буюм эмас, балки ўз сўзлари билан буюмни бажарилишини эслашлари талаб этилади. Бироқ, асосий ўринни ҳали ҳам намуна, тайёр кўргазма бўйича ишлаш эгаллайди. Ўқитувчи дарсга тайёрланар экан, ҳар бир тайёр мавзу мазкур дарс учун унинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келадиган ишни усул ва кўргазмали қуролларни тайёрлайди.

Қўл меҳнати дарсларида одатда бир ёки икки ашёдан фойдаланилади, уларни эса навбатчилар тарқатади. Столнинг устида диққатни чалғитадиган ҳеч қандай ортиқча нарса бўлмаслиги керак.

Ашёларни, айниқса кесувчи ашёларни чарм ғилофда сақлаган маъқул. Ҳар бир ғилоф ашёнинг маълум турига мўлжалланган бўлади. Навбатчи ўқувчи ашёларни тарқатишни доимо биринчи партадан бошлайди, бунда ўқувчилар тартиб ва интизомга ўрганадилар. Ҳамма фойдаланадиган ашёлар синф шкафларда сақланади, ишдан сўнг ашолаларни ўқувчилар тозалаб ювиб, артиб навбатчи ўқувчига топширадилар.

Иш хонасида ўқувчиларга ашёларни ишлатиш ва сақташ қоидаларини эслатиб турувчи плакат — эслатмалар бўлиши керак. Техника хавфсизлиги қоидаларига толиқ риоя қилиш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олувчи ишончли гаровдир. Ашёларни ишлатиш қоидаларини ўқувчилар вақти-вақти билан такрорлаб туриши лозим. У ёки бу қоида ни тушунтиришда ўқитувчи нима учун айнан шундай қилиш кераклигини, бу қоидаларга риоя қилинмаса қандай ҳодисалар рўй бериши мумкинлигини тушунтириши лозим. Хафвсизлик техникасининг барча қоидалари сўзсиз амал қилиш лозим.

Иш хоналарида ишлаш ва ашёлардан фойдаланиш бўйича техника хавфсизлиги қоидаларини кўйидагича умумлаштириш мумкин.

1. Иш хонасига фақат ўқитувчи рухсати билан кирилади.

2. Ҳар бир ўқувчи фақат ўз иш жойида ишлайди. Агарда иш жамоа равишда қилинадиган бўлса, ўқувчилар ўз мажбуриятларини яхши биладилар.

3. Иш фақат ўқитувчининг рухсати билан бошланади.

4. Ишни бошлашдан олдин, иш жойини тайёрлаш, ашёларни тўғри ва қулай жойлаштириш: ўнг қўл билан ушланадиган ашёларни ўнг томонга, чап қўл билан ушланадиганини чап томонга қўй, санчиладиган, кесадиган ашёларни ҳеч қачон иккита ашё орасига қўйманг, уларни доимо ўз жойига, ўткир томонини нариги, дастасини ўзинг томонга қилиб қўйинг.

5. Иш вақтида иш жойингни тартибли сақланг.

6. Ўтмас ёки бузуқ ашё билан ишланг.

7. Ашёни ишлатганда, уни ўқитувчи кўрсатганидек ушланг.

8. Ашёларни асранг, уларни тўғри, ўз ўмида ишлатинг, ишлатгандан сўнг уларни тозалаб, ювиладиганларини ювиб, артадиганларини артиб қўйинг.

9. Нарсани, ҳар бир детални олдинги сафаргидан яхшироқ, чиройлироқ, тартиблироқ қилишга ҳаракат қилинг.

10. Ишни тўғатдингизми, иш жойингни тезда тозалаб тартибли қилиб қўйинг.

Турли ашёлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари:

Қайчидан фойдаланиш қоидалари

1. Қайчини белгиланган жойда, белгиланган ҳолатда сақланг.

2. Қайчининг учини юқорига қилиб ушламанг.

3. Қайчини очик ҳолда қўлдирманг.

4. Қайчини юриб турганингизда ишлатманг.

5. Қайчини фақат ёпилган ҳолда учидан ушлаб ўртоғингизга узатинг.

6. Қайчини ушлатаётганда кесилишнинг йўналиши ва материални ушлаб турган чап қўл бармоқларини кузатиб туринг.

7. Яроқсиз қайчини ишлатманг, уни ўқитувчига топшинг.

Бигиздан фойдаланиш қоидалари

1. Бигизни ўринсиз ишлатманг.

2. Сирти силлиқ, сирғанчиқ қаттиқ предметлами бигиз билан тешманг.

3. Тешиладиган предметни кўлингизда ушламанг, уни стол, таглик устига қўйиб тешинг.

Пичоқ билан ишлаш қоидалари

1. Учи юмалоқ пичоқдан фойдаланинг.

2. Пичоқни ўқитувчи кўрсатганидек ишлатинг, кесганда қаттиқ босманг.

Нина билан ишлаш қоидалари.

1. Нинани ишлатиб бўлгач, махсус нина қадайдиган ёстикчага санчиб қўйинг.

2. Нинани ҳеч қачон оғзингизга олманг.

3. Ортиқча ниналарни игнадонда қуруқ ҳолатда сақланг.

4. Ишдан олдин ва ишдан кейин ниналарни санаб кўринг, йўқолган бўлса йўқолган ниналарни албатта топинг.

5. Қоғоз ва картондан нарсаларни ясаганда биринчи тешикни албатта бигиз билан тешиб олинг.

Кўрилган чораларга карамай синфда бахтсиз ҳодиса рўй берса, ўқитувчи биринчи ёрдамни кўрсатиши ва мактаб врачини чақириши лозим. Иш хонасида ёд, бинт солинган аптечка бўлиши шарт.

Саволлар

1. Кўл меҳнатининг қандай турлари мавжуд?

2. Иш жойини ташкил этишда нималардан фойдаланилади?

3. Қайчидан фойдаланиш қоидаларини санаб беринг.

4. Нинадан фойдаланиш қоидаларини санаб беринг.

5. Санитария-гигиена талаблари нималардан иборат?

7-8 МАВЗУ

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МЕҲНАТ ДАРСИНИНГ ОЛИБ
БОРИЛИШИ

I. Мантикий методлар.

2. Оғзаки баён қилиш.

II. Кўрсатмалилик методлари:

1. Намойиш қилиш.

2. Амалий кўрсатиш.

3. Экскурсия.

III. Амалий методлар:

1. Лаборатория амалий методи.

2. Машқ методи.

3. Техник адабиётлар ва ҳужжатлар билан ишлаш.

IV. Муаммоли ўқитиш методи.

1. Дастурлаштирилган таълим методи.

2. Ўқитиш жараёнида келиб чиқадиган муаммолар.

Меҳнат таълимида ўқитишнинг ҳар хил методларидан фойдаланилади. Таълим методларини танлаш аввало, ўқув материалнинг ва ўқув вазифаларининг характерига боғлиқ.

Меҳнат таълимига доир ўқув вазифалари мактабдаги бошқа фанларнинг ўқув вазифалари ўқувчиларга янги билимлар бериш, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш, билимларни амалда қўллаш ва ҳ.к. Билим асосан бир хиллиги учун таълим методлари ҳам деярли бир хил бўлади. Бу гап энг аввало назарий машғулотларга тааллуқли бўлиб, бундай машғулотлар юқори синф ўқув дастурларида бевосита назарда тутилган. Назарий машғулотларда педагогика курсида кўрсатилган умумдидактика тавсиялари тўлиқ татбиқ этилади. Амалий машғулотларда ўқув материалнинг характерига кўра меҳнат бўйича амалий машғулотлар бошқа ўқув фандагидан фарқ қилади, бу эса таълим методларидан фойдаланишда катор ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш меҳнат таълими методикасида жуда муҳим ўрин тутди. Мантиқий ўқитиш методларининг ўзига хос хусусиятлари шуки, унда ўқитиш жараёнини ўқитувчининг меҳнат усулларини намойиш қилиш ва ўқувчиларни унга тақлид қилиши асосида ташкил топади.

Асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Топшириқни аниқлаш, унинг мақсади ва бажаришни тушунтириш.
2. Ўқувчиларда зарур билимларнинг мавжуд бўлиши.
3. Таълим метод ва усулларини шакллантираётган кўникма ва малакаларни хусусиятларига мослаш.
4. Инструктажнинг самарадорлиги.
5. Машқларнинг этарли миқдорда бўлиши.
6. Ўқувчилар фаолиятини ўз вақтида ва обектив баҳолаш, ўқувчиларни баҳолаш натижаларидан хабардорлиги.
7. Ўқувчилар фаолиятини фаол характери.

Кўрсатмали методни асосан ўрганиладиган обектлар, процесслар ва уларнинг тасвирини намойиш қилиш ва ўқув қуроллари билан ишлаш каби усуллар орқали амалга оширилади. Меҳнат таълимида кўрсатмали методнинг хусусияти шундан иборатки, бунда кўрсатмалилик кўпинча ўқув материалга иллюстрация сифатида эмас балки унинг ўзи билим манбаи бўлиб кўп ҳолларда эса кўникма ва малакаларни шакллантириш усули бўлиб хизмат қилади.

Амалий методлар инструктаж ва машқлар орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан инструктажга қўйиладиган талабларни қараб чиқиш мақсадга мувофиқ:

1. Инструктаж жараёнида таълимнинг ҳар хил метод ва усулларини омилкорлик билан комбинасиялаш.
2. Инструктаж мазмунини ўқитувчи асослаши.
3. Инструктажни тўлаллиги ва инструктажни элементларга ажратиш.
4. Инструктажда шундай кўрсатмалар бўлиши керакки, ўқувчилар улар ёрдамида ўз фаолиятларини назорат қила олишлари лозим.

Инструктажларни яна қуйидагиларга ажратамиз: кириш, жорий ва якуний.

Меҳнат таълими жараёнида татбиқ қилиш ҳар бир янги операсияни қисқа муддатли машқларда бошлаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Муаммоли таълим ғоялари ҳар хил сабабларга кўра ҳали меҳнат таълимида кенг қўлланилмаётир. Бунинг сабаби меҳнат дарсларида муаммоли таълимнинг самаралиги эмас, балки уни қўллашнинг маълум қийинчиликлар билан боғлиқлигидадир. Ўқувчилар ҳамма ўқув материалларининг муаммоларини мустақил ҳал қилиш йўли билан ўзлаштириши муаммоли таълим дейлади. Бунда ўқитувчининг тушунтириши ҳам репродуктив ҳолати ҳам, масалалар эчиш ҳам ўқувчиларнинг машқларини бажариши ҳам бўлади.

Проблемали амалий топшириқлар ҳам маълум ва номаълумни ўз ичига олади, аммо ҳаракат усуллари билан боғлиқ бўлади. Бунда топшириқларни бажариш натижасида ўқувчи янги ҳаракат усулини топиши ёки маълум усулни янги шароитларда қўллаши керак.

Текшириш учун саволлар:

1. Ўқитиш методлари неча гуруҳга бўлинади?
2. Экскурсия ўқитиш шаклими ёки методими?
3. Машқ методи деганда нимани тушунасиз?
4. Муаммоли ўқитиш, муаммоли ситuasиялар ҳосил қилиш нима?
5. Кириш инструктажи нима?
6. Оралиқ инструктаж деганда нимани тушунамиз?
7. Якуний инструктаж қайси вақтда амалга оширилади?
8. Ўқитиш жараёнида содир бўладиган муаммолар нима?
9. Ҳозирги кунда ўқитишнинг қандай замонавий методлари мавжуд?

9-10 М А В 3 У.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДАН АМАЛИЙ ИШЛАР

1. Қоғоз ва картон турлари.
2. Қоғоз ва картон билан ишлашдаги муаммолар.
3. Бошланғич синфларда амалий иш турлари.
4. Амалий ишларни ўтказишда муаммоли методлардан фойдаланиш.

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Мавлонова Р. А. Меҳнат таълими методикаси. Т.: Ўқитувчи, 2000.
2. Саноқулов Ҳ. Бошланғич синфларда меҳнат таълимидан амалий ишлар. Т., 1994.
3. Мавлонова Р. А. Меҳнат дарслиги. 1–3- синфлар учун. Т.: Ўқитувчи, 2000.

Қоғоз ва картон фақат полиграф саноатидагина эмас, балки халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ҳам кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш саноатида қоғоз ва картоннинг 200га яқин тури ишлаб чиқарилмоқда.

Турли хил қоғозлардан китоблар, журналлар, газеталар чиқариш учун фойланилишини барча ўқувчилар яхши биладилар. Шунинг учун ҳам меҳнат таълими дарсларида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққат эътиборини улар фойдаланадиган қоғознинг турмушда тез-тез учрайдиган ва қўл меҳнати дарсларида ишлатадиган турларига жалб қилиб бориш зарур.

Бу қоғозларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

Рўзномалар қоғози – энг кўп тарқалган қоғоз турларига киради. Сифатига кўра унчалик пишиқ эмас, намликни, элимни тез ўзига сингдиради.

Ёзув қоғози – сатҳи силлиқ, элим сингдирилган, намликни камроқ сингдиради. Нарсаларни ихтиролашда, муқовалашда, картондан ясалган нарсаларни элимлашда жуда қулайдир.

Чизмачилик қоғози – энг пишиқ ва қалин қоғоздир. Латтадан тайёрланади, унинг олий нави қўлда қуйилади. Ундан байрамлар учун қизиқарли ниқоблар тайёрлашда фойдаланилади.

Расм қоғози – 2-рақамли бўлиб, селлюлозадан тайёрланади. Олий навига 25% латта қўшилади. Чизмалар чизишда шунингдек, қўл меҳнати дарсларида фойдаланилади. Рангли ва жиллоли қоғоз меҳнат дарсларида кенг қўлланилади. Турли хил рангда муқовалаш ишларида ишлатилади ва турли хил рангдаги қоғозлар тўплами чиқарилади.

Элимланган қоғоз – жило берилган қоғоз бўлиб, бир томонига элим суртилган. Меҳнат дарсларида ишлатиш учун жуда қулай. Рангли жилд қоғози турли рангларда бўлган, жило берилган рангли қоғознинг ўрнини босади. қўл меҳнати дарсларида кўп ишлатилади.

«Шагрёнғ нақшдор» қоғози – муқовасозликда ва тайёр нарсаларнинг устидан ёпиштиришда, арча ўйинчоқларини ясашда фойдаланилади.

Гулқоғоз – рангли ва гули турлича бўлиб муқовалашда, нарсаларнинг устидан элимлаш, безаш ишларида кенг фойдаланилади. Миллиметрли қоғоз сатҳи босма тур шаклида тайёрланади.

Филтр қоғоз – елимланмаган қоғоз.

Картон қоғози - деб бир кв.метри 250 граммдан ортиқ бўлган қоғозга айтилади. Картонларнинг турига таъриф берадиган бўлсак, оқ картон уни қирқиш осон, ўзи унчалик пишиқ эмас, тез синади. Бу картон элимни кўп шимади (кўпинча элимдан шишади). Ундан майда нарсаларни муқовалашда фойдаланилади.

Сариқ картон – оқ картондан кўра пишиқроқ, эгилувчан, яхши қирқилади. Элимдан шишмайди. Турли ишларда фойдаланилади.

Кулрангли картон – оқ ва сариқ картондан пишиқроқ, қирқиш қийин. Картоннинг бу навидан ўта пишиқликни талаб қилувчи нарсалар тайёрланади.

Рангли картон – бу юпқа эгилувчан, сатҳига турли рангда жило берилган. Ишлош бериш осон ва кўриниши чиройли. Ундан хажми кичик нарсалар папкалар, муқовалар тайёрлаш маъқул. Унинг устидан бошқа нарса ёпиштиришга ҳожат бўлмайди.

Бошланғич синфларни қўл меҳнатига ўргатиш ҳамда картон турларидан ташқари қуйидаги иш турларига бўлинади.

1. Турли материаллар билан ишлаш:
 - а) аппликация ва мозаика ишлари;
 - б) лой ва пластилин билан ишлаш;
 - в) табиат материаллари билан ишлаш.
2. Газлама билан ишлаш.
3. Лойихалаш ва моделлаш ишлари.
4. Қишлоқ хўжалиги ишлари.

Бу иш турларининг барчаси бошланғич синфларда қўл меҳнати жараёнидаги касб танлаш ишларига қаратилган.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Меҳнат дарсларида қандай амалий ишлар бажарилади?
2. Аппликация турларини гапиринг.
3. Қандай қоғоз ва картон турлари мавжуд?
4. Меҳнат дарси машғулотларида қандай муаммоли ўқитиш турларидан фойдаланилади?
5. Амалий иш деганда нимани тушунаси?
6. Меҳнат таълимидаги амалий ишлардан фарқи нимада?
7. Амалий ишнинг аҳамияти қандай?

11- МАВЗУ:

БОШЛАНҒИЧ СИНФ МЕҲНАТ ДАРСЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Маълумки Республикамиз мустақилликка эришиб, ўз йўлини белгилаб олди ва бозор иқтисоди йўналишини танлади. Бозор иқтисоди онгли кишилиқ тараққиётининг ҳамма босқичларида бўлган ва бундан кейин ҳам давом этаверади. У инсонларга ҳамisha йўлдошдир.

Ўқувчилар онгига жамиятимизнинг демократик асосида иқтисодий ислохатларни янада ривожлантириш, маънавий-ахлоқий, меҳнат тарбияси тушунчаларини шакллантириш, меҳнат дарсларида иқтисодий тушунча бериш ишлари муҳим аҳамият кашф этади.

Жамият ривожланишининг барча даврларида ҳам таълим-тарбия тизими муайян жамият ва тузумнинг ижтимоий сиёсати, унинг мақсад ҳамда вазифаларига ҳамоҳанг ҳолда қурилган. Миллий мустақилликка эришгач Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзи танлаган ижтимоий сиёсатни амалга оширмақда.

Маълумки, иқтисодиётнинг сиёсатдан ташқарида бўлиши табиий ҳол. Бироқ, Ўзбекистон таълим-тарбияни иқтисодиёт билан чамбарчас

ривожлантиришга, пировардида, иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлигини (таъминлашга ва ушбу жараённинг тарбияшуносликка таъсири масаласини ўрганишга катта аҳамият бермоқда. Шу мақсадда 1996 йил 17 августда «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим- тарбия концепцияси» қабул қилинди.

Мазкур концепцияни амалга ошириш эса саккиз босқичда иборатдир:

I-босқич. Оила. Мактабдан ташқари таълим. (Ҳар бир босқич учун тайёрланган ишланмалар)

II-босқич. Мактабгача таълим-тарбия. (Иқтисодга йўналтирилган ўйин машғулоти)

III-босқич. Бошланғич таълим. (Иқтисод алифбоси)

IV-босқич. Асосий мактаб таълими. Тўлиқсиз ўрта таълим. (Иқтисодий тушунчалар)

V-босқич. Ўрта ва ҳунар-техника таълими. (Иқтисодий билим ва иқтисодиёт асослари).

VI-босқич. Олий ва ўрта махсус таълим. (Тармоқ иқтисодиёти).

VII-босқич. Тармоқлар бўйича малака ошириш тизими. (Амалий иқтисод).

VIII-босқич. ЎзФА, тармоқ академиялари, илмий марказлар. (Иқтисодий таълим бўйича ижодий изланишлар).

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепцияси қуйидаги вазифаларни илгари суради:

1. Иқтисодий таълимнинг узлуксизлигини таъминловчи бир бутунликни ҳосил этиш учун ҳар бир босқичнинг ўзига хослигини ўрганиш.

2. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифалари, ташкилий, шакл, восита, усул методикаларини ишлаб чиқиш.

3. Босқичлар орасидаги кўприк вазифасини бажарувчи шахснинг иқтисодий маданиятлилик даражасини кўрсатувчи таълим-тарбиявий тадбирлар мажмуининг хусусияти, имкониятларини аниқлаш.

4. «Лабиринтлар тизими» илмий методик лойиҳани амалга оширишдаги моддий таъминот.

Ушбу вазифалар бевосита узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепциясининг иккинчи босқичи ҳисобланмиш «Мактабгача таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари» аниқлашга ҳам дахлдор ҳисобланади.

Болаларни иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга тайёрлаш. Бу мақсадни амалга ошириш учун кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон берувчи турли вазиятларни ишлаб чиқиш; бу вазиятларни ечиш вариантларини амалга оширишга шароит яратиш; иқтисодий билимларни эгаллашга замин бўлувчи; мантиқий-математик

фикрлашларини ривожлантирувчи ўйинлар комплексини амалга ошириш зарур.

Иккинчи босқичнинг ҳаётга тадбиқ этиш йўналишлари қуйидагилар:

1) Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлик даражаси мезонларини ишлаб чиқиш. Шунга кўра, дастур бўлимларини интеграция қилиш. «Математика-иқтисод, меҳнат», «Тарбия-иқтисод», «Маънавият-иқтисод», «Хорижий тиллар-иқтисод» кабилар;

2) Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун «Ўйинлар лабиринти» тизимини ишлаб чиқиш ва амалда синаш.

3) «Табиатдаги таълим» комплекс дастурини яратиш. Бу комплекс дастурда ўқувчиларга бевосита ўйин тарзида табиий бойлик, неъматларнинг иқтисодий аҳамиятини кўрсатувчи таълимий ўйин ва табиат қўйнидаги соғломлаштириш каби тадбирлар акс этади. Бунда хорижий тиллардан рус ва инглиз тилларини ўрганиш жараёнида иқтисодий тушунча ва сўзларни ишлатишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Болаларни ёшлик чоғидан бошлаб теварак-атрофдаги моддий неъматларга, буюмларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, ҳар қандай моддий неъмат инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини ва уни асраб-авайлашга ўргатиб бориш зарур. Боланинг жамоатчилик ва шахсий буюмларга бўлган муносабати илк ёшлик чоғиданоқ оилада, оила аъзоларининг шахсий ва жамоатчилик мулкига бўлган муносабатидан бошланади. Албатта, ёш авлодда тежамкорлик, ишбилармонлик, уддабуронлик каби сифатларни шакллантирмасдан туриб баркамол шахсни тарбиялаб бўлмайди. Чунки айнан шу сифатларда боланинг инсон меҳнати маҳсулига, жамоатчилик мулкига тўғри муносабати, уни асраб-авайлаш, бойитишга ҳисса қўшиш истаги ётади. Ўсиб бораётган ёш авлодда бундай сифат ва фазилатлами шакллантириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг касбий тайёргарлигига, педагогик маҳоратни қай даражада эгаллаганлигига боғлиқдир.

Меҳнат фанлар асосини чуқур ва амалий ўзлаштиришда, болаларни меҳнатга бўлган муносабатини ижодий иш фаолиятида мустақил шакллантиришда, фикр юритишга ўргатувчи илмий воситалардан биридир. Кўп асрлик тажриба шуни кўрсатадики, инсонларнинг меҳнати туфайли чексиз бойликлар ва имкониятлар ечилади. Меҳнат фани иқтисодий ривожланишнинг асосий омили ҳисобланиб, ўқувчиларнинг чуқур иқтисодий билиминини мустаҳкамлайди.

Ҳали-ҳануз иқтисодий меҳнат тарбиясида илғор умумбашарий ва миллий ғурур, уларнинг тарбиявий ҳарактери ўз ифодасини топгани йўқ. Шунинг учун меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва тадбиркорлик меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва кучайтириш лозим.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу вазифалардан бири тадбиркорлик бўлиб, бу маҳсулот ишлаб чиқариш уни сота билиш, тушган маблағни жой-жойига сарфлай олишдир.

Бу тадбиркорлик талабларини меҳнат дарслари жараёнида дарслар нечоғлик қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билимга ва малакага эга бўладилар. Аввало бу дарсларнинг музминини тўғри белгилаб олиш зарур.

- Меҳнат таълими ва тарбиясининг ижтимоий ва иқтисодий йўналганлиги;
- Меҳнат дарсларини бозор иқтисоди талаблари асосида педагогик технологиялардан ва малакалардан унумли фойдаланиш;
- Ўқувчиларни қизиқишларини ҳисобга олиб амалий тўғаракларга жалб қилиш;
- Ўқувчиларни меҳнат дарсларида иқтисодий билим беришда ёши, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- Ўқувчиларни меҳнат натижаларини рағбарлантириш ва камчиликларни дўстона ҳал қилиш;

Меҳнат дарслари болалар учун иқтисодий билимлар билан теварак-атрофдаги ҳаётни ўзига хос тарзда боғловчи омил бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳозирги кунда меҳнат дарсларида «ўз-ўзини бошқариш» ва «ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш» каби тадбиркорлик ишларини ташкил қилиш лозим.

Масалан ўқувчиларнинг меҳнат дарсларида материалларни исроф қилмасликни, ишнинг сифатлилигини, эстетик жиҳатдан бежирим ва чиройли бўлишига эътибор беришлари керак. Шу боис бошланғич синфларда меҳнат таълими ва тарбияси жараёнида тадбиркорлик тушунчаларини, келгуси меҳнат фаолиятида муҳим ўрин эгаллаш эканлиги кўрсатиш, тушунтириш педагог ўқитувчиларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаш зарур. Ўқувчиларда меҳнат таълими жараёнида тадбиркорлик тушунчаларининг дастлабки босқичларини амалга оширишда кўйдаги вазифалами бажариш кўзда тутилади.

1. Ўқувчиларни меҳнат таълимига оид назарий ва амалий билим беришни узвийлигини мустаҳкамлаш;
2. Касблар хусусияларни фарқлай билишга ўргатиш орқали уларни турли касбларни тўғри танлашга йўналтириш;
3. Унумли меҳнат қилиб юқори самарадорликка эришишни ўргатиш;
4. Меҳнат жараёнида эришилган натижани мактаб жамоаси ва ота-оналар иштирокида намойиш этиш;
5. Бажарилган ишлар сифатини оширишда ким-ошди савдо масканларини ташкил этиш;

Ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини шакллантиришда мактаб, маҳалла, оила ва жамоатчиликни биргаликдаги ҳаракати ўз-ўзига хизмат қилишни ташкил этиш, маҳсулот сифати ҳамда турли иш турлари жараёнида меҳнат натижаларининг унумдорлиги кескин ўсишда ўз таъсирини кўрсатади. Чунки тадбирларда эришилган ютуқлар бўйича ўқувчиларнинг бажарган буюмлари мактаб музейлари ёки синф бурчагида намуна сифатида сақлаш, ота-оналарга совға сифатида тақдим этиш ўқувчиларда амалий

меҳнатда иш сифатини янада ошириш, ижобий натижаларга эришишда самарали таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг бажарган ишларидан мактаб шароитидан келиб чиқиб ҳар хил кўргазмалар ва ўқувчиларнинг ўзлари учун мактаб бозори ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бунда ўқувчилар ўзлари бажарган ишлар натижаларини, диққатга, эътиборга сазовор бўлганлигини, ўзини маблағ билан қисман таъминланганлигини, ўзини бошқара олишини кўриб, ўз меҳнатига ва ўзгалар меҳнатига ҳурмат билан қарайди. Ўқувчи онгида меҳнатга муҳаббат ўз самарасини топади.

Натижада давлатимизнинг иқтисодини юқори даражага кўтара оладиган, ўзининг касбини, ҳунарини ҳурмат қиладиган, жамиятимизнинг ривожланишида ўзини ҳиссасини кўша «оладиган баркамол авлодни тарбиялашимизда ёрдам беради.

Саволлар

1. Меҳнат дарсларида тежамкорлик нима?
2. Иқтисодий тушунчалар нима?
3. Меҳнат дарсларида тежамкорликдан қандай фойдаланилади?

12МАВЗУ:

МЕҲНАТ ДАРСЛАРИДА ИШ УНУМИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Кичик ёшдаги ўқувчиларни билим, малака, кўникмаларни ривожлантириш, ижодий меҳнатга, мустақил фикрлашга ўргатиш, касб-ҳунарга йўналтириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш, мантиқий фикрлашга ўргатиш муҳим муаммолардан биридир.

Шундай экан бошланғич синфларда ўқувчиларни ижодий меҳнатга ўргатиш, ижодий қобилиятларини шакллантиришда меҳнат дарсларининг ўрни жуда каттадир. Ўқувчиларни меҳнатга ижодий тайёрлаш меҳнат таълимининг муҳим вазифаларидан биридир. Меҳнат ўқувчиларнинг чуқур ва мустаҳкам билимлар билан қуроллантиради. Ўқувчиларни танлаган касбига қизиқтириш, меҳнаткаш кишиларга ҳурматда бўлишга тарбиялайди.

Ўқувчиларни иш унумини ошириш, чуқур билим эгаллаш, ижодий қобилиятларини ўстириш масалалари меҳнат таълими дарсларида ҳал этилади. Ҳар бир дарс ўқувчиларни диққатини, хотирасини, қиёслаш билишини, фикр юритишни, асосий нарсани ажратишни, хулоса ва умумлаштиришни, ўз ишини режалаштиришни, уни керакли суъратда амалга оширишни, ўз-ўзини назорат қилиш вазифаларини ўз ичига олади.

Ўқувчиларини меҳнат дарсларида иш унумини ошириш икки босқичда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи босқич-меҳнат машғулотларининг аниқлиги, асослиги, унинг бола қизиқишига, истиъдодига ва қобилиятига мос келиши.

Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, имкониятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларни меҳнатнинг маълум

турига бўлган майл ва қизиқишни ўз вақтида аниқлаш ва уларга меҳнат малакаларини севган машғулотларида такомиллаштиришга ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Меҳнат таълимида ўқувчиларнинг диққат эътиборини:

- асбоб-материаллами сақлаш қоидаси ҳамда жойлаштириш тартибига:
- иш жойини тўғри жиҳозлашга:
- материаллардан тежамкорлик билан фойдаланиш усулларига:
- иш ҳаракати мейёри ва суъратига:
- иш сифатини таоминловчи омилларга:
- ишлов беришда олинган аниқлик ва тозалikka риоя қилишга:
- буюмни чиройли қилиб бешишга жалб қилиб бориш керак.

Иккинчи босқич- ўқувчиларга жамоатчиликга, ижодий ташаббускорликга, меҳнат кишиларини ва меҳнат натижаларини ҳурмат қилишга, меҳнат жавобгарликни ҳис этиш хусусиятларини сингдириб бориш зарур.

Ўқувчиларни меҳнат дарсларида иш унумини ошириш учун уларни онгига, дунёсига меҳнат орқали таъсир этишимиз муҳим ўрин эгаллайди. Бунда меҳнатнинг тарбиявий кучи ўқувчининг меҳнатга муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Иштиёқ ва қизиқиш билан қилинаётган меҳнат мажбуран қилдирилаётган меҳнатга нисбатан ўқувчиларнинг онгига, ҳиссиёти ва иродасига кучлироқ таъсир этади. Шунинг учун ўқувчилар бирор ижодий меҳнатга киришишларидан олдин педагог ўқитувчилар зиммасига қуйидаги шартларни амалга ошириш талаблари қўйилади:

- ясаётган буюм ёки предметнинг зарурлигини тушунтириш:
- уни қўллаш урни ва мақсадини тушунтириш:
- яшаш усуллари ва жараёнини тушунтириш:

Болалар тайёрлаган нарсалар ўз ўрнида қўлланилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Улар ўзмеҳнатларининг фойдалилигини кўрганларида, уларда ўз меҳнатларининг натижасидан қониқиш, яна қандайдир фойдали, яхшироқ нарсани ҳосил қилишга интилиш пайдо бўлади. Уларда ўз қобилиятларига ишонч, нарсаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссиёти уйғонади, чунки болалар атрофдаги нарсаларни қандай меҳнат эвазига яратилганлигини англайдилар.

Дарс мазмунига қўйиладиган муҳим талаблардан бири дарсларни ҳаёт билан чамбарчас алоқадор бўлмоғи лозим.

Ўқувчилами фаоллаштириш айниқса ўқитишнинг замонавий босқичи шароитларида анчагина мураккабдир. Шунинг учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштиришга ёрдам берувчи восита ва усулларини танлаш ўқитувчининг доимо диққат марказида бўлиши шарт.

Ўқувчиларнинг иш унумини ошириш ва ижодий фаолиятларини бир қатор усуллар воситасида фаоллаштириш мумкин. Бу усулларни баъзилари билан таништирамиз:

1. Бутун синфга таклиф этилган муайян ижодий ишда ўқувчининг иложи борица мустақил ишлаш ҳиссасини таъминлаш.
2. Бир мақсадда ўқитишнинг алоҳида ва умумий шакллари бириктириш

усуллари билан бирга махсус тарқатма материалларидан фойдаланиш.

3. Фаолият турлари ўрганилаётган материал билан тўғри муносабатни таъминлаш.

4. Дастур материали асосида дарсда зеҳнлилик, диққат, тасаввур ва шу кабиларни текшириш ҳамда шакллантириш мақсадида ўзига хос конкурслар ўтказиш.

Меҳнат дарсларининг муҳим хусусияти шундаки, ўқувчилар меҳнат ва политехник билим, кўникма ва малакаларни хилма-хил амалий ишларни бажариш, ўзларига керак бўлган ва ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган предметлар ясаш жараёнида эгаллайдилар.

Ўқувчилар меҳнат фаолиятини ташкил этишга қўйилаётган талаблар бири-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда қўллансагина ижобий натижалар беради.

Дарс вазифасини фақат билим бериш ва кўникма ҳосил қилишдан иборат қилиб қўймаслиги балки тарбия бериш ва камол топтириш вазифалари билан боғлаб олиб бориш ҳам зарур.

Шунунг учун ҳам ўқитувчи ўзи ўқитаётган билимини билиши лозим. Бу эса бирор мавзуга тайёрлана туриб, ўқитувчи мазкур дарс материали асосида ўқувчиларнинг ахлоқийликнинг қандай ғояларини англашга олиб келажагини диққат, фикрлаш, хотира, тасаввур, иродани ривожлантириш ва бошқа шу кабилар соҳасида шахс сифатини қандай камол топтиришга эришишини аниқ тасаввур қилмоғи лозим.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Меҳнат тарбияси ўқувчилами руҳий ва амалий жихатдан меҳнатга, меҳнат фаолиятини йўлга қўйишда йўналтирилганлиги билан ижтимоий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўзига хос ўрин тутаяди.

2. Меҳнат таълими ва тарбиясининг мақсади ўқувчиларда меҳнатга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш бир қатор муҳим вазифалами ҳал этишни талаб қилади.

3. Ўқувчилар меҳнат фаолиятининг турлари хилма-хил бўлиб, улар қуйидагилар маиший меҳнат, ўқув меҳнати, ўқув ишлаб чиқариш меҳнати, ижтимоий фойдали меҳнатдан иборат.

4. Ўқувчилар меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг барча босқичларида меҳнат фаолиятини ташкил этишга нисбатан бир қатор педагогик талаблар қўйилади. Мазкур педагогик талабларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Саволлар

1. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятида меҳнат таълимининг ўрни қандай?
2. Иш фаолиятини ошириш усуллари қандай?
3. Индивидуал машғулот нима?
4. Меҳнат дарсининг муҳим хусусиятлари нима?

13-МАВЗУ

АППЛИКАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРИЛИШИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

1. Аппликация тайёрлашнинг таълим-тарбиявий аҳамияти.
2. Аппликация ва унинг турлари.
3. Аппликация тайёрлаш методикаси.

Биринчи синфда ўқувчилар энг аввало фақат дарс машғулотидагина эмас, балки бошқа дарсларда ҳам тўқнаш келадиган материаллар билан танишадилар. Бу барча ўқув анжомлари дафтарлар, китоблар, ўқув қўлланмалари, босиладиган қоғоз турлари; ёзадиган, муқова қилинадиган, босма, расм солинадиган, китоб ва ойнома қоғозларидир. Таълим жараёнида ўқувчилар турли қоғозларнинг асосий жисмоний хусусиятлари: ранги, қалинлиги, зичлиги, сиёҳни ушлаш хусусияти, сатҳининг силлиқ ёки ғадир-будурлиги билан танишадилар.

Ўқувчилар машғулотида қоғоз варақларини буклайдилар ва тўғрилайдилар, уларни қисмларга бўлиб йиртадилар, қирқадилар ва бўйядилар. Шу билан бирга қоғозни буклаш йўли билан турли хил нарсаларнинг шаклини ясайдилар. Қоғоз ва картон билан ишлаш ўқувчиларни гармоник ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, рангли қоғоз билан ишлаш ижодни ривожлантиришга ёрдам беради, фантазияни бойитади, кузатувчилик, диққат ва тасаввурни фаоллаштиради, иродани тарбиялайди, қўл меҳнати, чамалаш ва ранг сезишни ўстиради.

Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотида ўқувчилар олдиндан куйидагича тайёргарлик кўришади: столни устига қоғоз ёзиб ўнг томонига қайчи, элим учун чўтка, чизғич, қалам, авторучка, олди томонларига элим, кийқимлар учун кути, чап томонларига иш вақтида ҳалақит бермайдиган қилиб рангли қоғоз тўпламини қўядилар. Ҳар бир машғулот охирида ўқувчилар кейинги машғулотда керак бўладиган нарсаларни ёзиб оладилар.

Ўқувчилар ишлаётган материалларга тежамкорлик билан муносабатда бўлишлари, ўз ишларини режалаштира билишлари, материални тежамкорлик билан сарфлашлари, вақтдан унумли фойдаланишлари, ўқитувчи кўрсатмаларига амал қилишлари шу билан бирга иш жойини тоза ва озода сақлашлари, машғулотдан сўнг синфни тозалаб қўйишлари керак.

Барча фанларда қўлланилгани каби меҳнат дарсларида ҳам таълимнинг кўрсатмали воситаларидан кенг фойдаланилади. Жумладан, меҳнат дарсларида турли хил намуна, расм, чизма, схематик намуна, турли предметларнинг моделлари, шунингдек техника воситаларидан фойдаланилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотида ўқувчилар қоғозни буклаш йўли билан турли хил нарсаларнинг шаклини ясашни ҳам ўрганиб борадилар. Ана шундай машғулотлар давомида ўқитувчи куйидаги кўрсатмали қурооллардан фойдаланиши мумкин.

Аппликация – бадий асарлар яратишнинг энг содда ва осон усули. Бу аппликациядан фақат безаш мақсадларидагина кўрғазмали қурооллар, турли

ўйинлар учун қўлланмалар, ўйинчоқлар, байроқчалар, сувенирлар, деворий газеталар, стендлар, кўрғазмалар ва костюмларни тайёрлашдагина эмас, балки картина, пано нақшларини яратишда ҳам кенг қўллаш имконини беради. Аппликация тасвирлаш техникасининг турли формаларини қирқиш ва уларни фон тарзида қабул қилинган материаллар ҳисобига мустақамлашга асосланувчи туридир. Аппликация 2500 йил муқаддам кўчманчи халқларда пайдо бўлган. Аппликация билан кийим-бош, турар-жойлар безатилган. Аппликация ишида асосий материал қоғоздир. Дазмолланган ва крахмалланган газлама бўлакчаларидан фойдаланиш мумкин. Бу материаллар билан бир қаторда сомон, қуритилган ўсимликлар уруғи, данак, барглاردан ҳам фойдаланилади.

Қоғознинг ялтирайдиган мрамор, шагрен, босма гул туширилган бархат, кумуш ва бронза расм солиш ва чизмачилик навлари аппликация учун яроқлидир.

Аппликация ишлари доимо хотирада сақланиши ҳақида мажбурий қоида сифатида бажарилиши лозим бўлган маълум изчилликда адо этилади. Исталган аппликациядан бирор нарсанинг қўлипини танлашдан бошланиб, ундан кейин аппликация эскизи, қоғоз танлаш, керакли деталларни қирқиш, уларни фонга қўйиш келади. Энг яхши аппликациялар бу геометрик фигуралардан қилинадиган орнаментал аппликациялардир.

Аввал орнаментал эскиз тузилади, сўнгра керакли деталлар ўлчами ва миқдори ҳисобланади. Деталларни тайёрлаб маълум тартибда жойлаштирилади ва ёпиштиришни қайси металлдан бошлаш кераклиги аниқланади. Сўнгра тайёрланган материаллар бир-бирига ёпиштирилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Аппликация деб нимага айтилади?
2. Қандай аппликация турлари мавжуд?
3. Аппликацияда қандай ишлар бажарилади?
3. Аппликациялар қандай предметлардан ясалади?
4. Техник меҳнат таълимида ҳам аппликациядан фойдаланиш мумкинми?
5. Сунъий аппликацияларга нималар киради?
6. Аппликация ишларини бажаришда қандай муаммоларга дуч келамиз?

14- М А В 3 У.

МУТАФАККИРЛАР МЕРОСИДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

1. Мутафаккирлар меросида меҳнат тарбияси.
2. Таълим-тарбия соҳасидаги муаммолар.
3. Меҳнат, ҳунар, одоб ҳақида.

Одам ҳунарнинг моҳиятини, яхши ва ёмон сифатларини билгандагина ҳунарга оид билимларни мукамал эгаллаши, ҳунармандлар аҳлини қўллаб-қувватлаши мумкин.

Дарҳақиқат, Шарқ мутаффақир алломалари, ҳунар ва ҳунармандларга катта эътибор берганлар. Жумладан, Алишер Навоий ўз замонасида заргарлар, кулоллар, тикувчилар каби турли-туман ҳунар соҳибларининг ҳаммасига зўр ҳафсала, кунт ва эътибор билан маслаҳат бериб, хусусан, рағбат кўрсатиб ҳамда уларга ҳомийлик қилганлар. Алишер Навоийнинг фикрича, инсон бўлиб дунёга келдингми, бирор касбни эгалла, ҳунар ўрган, шунда дунёдан ҳаммомга кириб тоза ювиниб чиқмаган кишидек ўтмайсан, – дейдилар.

Шунингдек, донишмандларимиз ўғит қилганларки, вақтида илм-ҳунарга муҳаббат кўйинг, ўрганилган нарсаларни ёдингизда тутинг, илм-ҳунар ўрганишга чин ихлос билан киришинг, ёшлигингизни бекорга ўтказманг. Ҳатто улуғ шайхларимизнинг ўзлари ҳам бирор ҳунар эгаси бўлганлар. Масалан, Шайхул Машойих Абу Саид Харрос этикдўзлик қилган, Шайх Муҳаммад Сакко машҳур пичоқчи, Шайх Хожа Баҳовуддин Нақшбандий ажойиб наққош бўлганлар. Бошқаларни ҳунар ўрганишга даъват этганлар. Хожа Баҳовуддин Нақшбандий айтадилар: *«Дил баёру даст бакор»* яъни, *«Дилинг оллоҳда, қўлинг доим меҳнатда бўлсин»*.

Инсоният кадр-қиммати меҳнатда билим-ҳунарга таянишда, бировга хор бўлмасликда, деб билган Саъдий шундай таълим берадилар:

*Ўз меҳнатида нон эган киши,
Ҳотам миннатида озод иши.*

Муқаддас китоб «Авесто»да ҳам меҳнат моддий бойликлар манбаи бўлгани учун эмас, балки у меҳнатни асосан ахлоқий жиҳат, яхшилик манбаи деб билганлиги учун инсонларни меҳнат қилишга чақиради. Халқ педагогикасида *«Ёшликда эгалланган билим ва ҳунар тошга ўйиб ёзилган ҳикматдир»*, – деб таъкидланади.

– *Фарзандларга одоб, ҳунар ўргатмак меросдир*, – деб насиҳат қилинади «Қобуснома»да. – *Сен обод, ҳунар ва донишни ўзингдан мерос қилгил, токи унинг ҳаққини бажо келтирмиши бўлгайсан. Чунки хос кишиларнинг фарзандга одоб ва ҳунардан яхшироқ мерос йўқдур. Олий халойиқнинг фарзандларига хирфа (савдо, ҳунар), пеша (касб)дин яхшироқ мерос йўқдур. Агар хос одамларнинг фарзандлари юз ҳунар билса ва лекин ҳеч касбни билмаса айб эмасдур. Ҳунар эса бир кун ишга ярагусидир»*. Демак, албатта, ҳунар ўрганмак зарурдир:

*Ўтай ўғлим билан десанг агар,
Сен ўғлингга ўргатгил илму ҳунар.
Агар сенда Қорунча бўлса ҳам зар,
Ўз ўғлингни қўлдирмагил беҳунар.*

Ҳунарнинг нечоғлиғ зарур эканлигини қатор ривоятлар, нақллар, эртаклар, достонларда ҳам ўз аксини топган. «Олтин балиқ», «Савдогар билан подачи», «Сехрли гиламча», «Балиқчи бола», «Икки наққош иши» каби эртаклар, «Ҳасанхон», «Рустам», «Зиёд» каби достонлар шулар жумласидандир.

Ҳунар эгаллаш ҳам бир фазилятдир, маҳоратдир.

Хунар эгаллашда ҳалоллик, поклик, сабр-қаноат, матонат, меҳнат маданиятига риоя қилиш муҳим рол ўйнайди.

Ота-боболаримиз ҳам хунар ўрганишни асосий вазифа эканлигини ўргатиб келганлар:

*Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир,
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.*
(Низомий)

Абу Райҳон Беруний меҳнат ва хунар авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтишини синчиклаб ўрганган ва хунарни юқори баҳолаган. У «Хунармандчиликда, меҳнатда тўлиқ устозлик санъатини эгаллаб олиши керак», деган фикрни айтади. Одатда ўша даврда хунар ва табиий билимлар мактабда ўргатилмай якка тартибда берилган.

1. Ота касбини эгаллаш, оиладаги катталардан якка шогирд шаклида.

2. Шогирдлик танилган уста кўлида якка шогирдлик тартибда ўрганилган.

Халқимиз болаларда меҳнацеварлик ва меҳнатга қизиқишни тарбиялаш, оталаримиз изидан бориб турли касб-хунар эгаллаш, уларда меҳнат муносабатларини камол топтириш, келажак ҳаётга тайёрлаш ўзларининг муҳим вазифалари деб ҳисоблаганлар. Ўз фарзандига касб-хунар ўргатган. Улар устозодалар (уста даражасига кўтарилган фарзанд) бўлиб этишганлар. Танланган уста хунармандлар уйида якка шогирдликка тушган бола бир неча йил хунарга тааллуқли бўлмаган юмушларни ҳам бажариб юраверганлар.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Хунар деганда нимани тушунасиз?
2. Устоз ва шогирд ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Фарзанд, албатта, ота-она касбини эгаллаши шартми?
4. Хунарни авлоддан авлодга ўтиб келишининг сабаблари нимада?
5. Мутафаккир сўзининг маъноси нимани билдиради?
6. Қадимдан меҳнатнинг улуғланишига сабаб нима?
7. Инсоннинг камол топиши қандай деб ўйлайсиз?
8. Буюк донишмандлар, олим, ёзувчи, шоирларнинг улуғланиш сабаби нимада дейсиз?
9. Муаммо деганда нималарни хаёлдан кечирасиз?



Hunarni asrabon netkumdir oxir,

Olib tuproqqamu ketkumdir oxir.

Alisher Navoiy.

15 МАВЗУ:

МЕҲНАТ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

1. Педагогик технологияларнинг мазмун-моҳияти.
2. Замонавий педагогик технология турларини таълим жараёнида қўлланиши.

Таянч иборалар: педагогик технология, педагогик ёндашув, таълим технологияси, кейс стади, балиқ скелети, нилуфар гули, ақлий хужум, бумеранг технологияси, тармоқлар методи, ўйинли технологиялар, блиц-сўров.

1. Педагогик технологиянинг мазмун-моҳияти. Маълумки ҳар қандай касбда фаолият самарадорлиги ва мувафаққиятли касб соҳибларининг тайёргарлиги, маҳорати, ўз омилкорлигини такомиллаштириш устида нечоғлик қунт ва изчиллик билан ишлашига боғлиқ. Ўқитувчилик касбида эса ўз билимдонлиги, зукколиги, касб маҳоратини такомиллаштириш устида мунтазам ишламай туриб, эл ардоқлаган, обрў-еътиборли педагог бўлиш мумкин эмас. Чунки ўқитувчи жамиятнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қўйган ижтимоий буюртмасининг асосий ижрочисидир. Республикамиз Президенти И.А.Каримов ҳозирги пайтда ўқитувчилар олдига давлат ва жамият қўйган талабларни қуйидагича баён қилиб берди:

«Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун энг аввало, тарбиячининг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак».

Ўқитувчиларга ахборот ва педагогик технологиялар асосида янги шакл ва мазмундаги касбий малака бериш иши шунчалар кенг камровли, кўп қиррали, катта кўламларга эга бўлган жараёндир.

Ўзбекистон тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларига ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий қилиш зарурлиги кўп қарра такрорланади. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда «янги педагогик технология», «илғор педагогик технология», «замонавий педагогик технология» иборалари кенг қўлланмоқда. «Педагогик технология бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим сифати ва самарадорлигини ошириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олган ҳолда, билимлар мазмунини ишлаб чиқиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир».

Бу таърифдаги асосий тушунча «тизимли услуб» эканлиги равшан, қўлган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизими сифатидаги таркибий элементларини ифодалайди. Айти тизимли ёндашув педагогик технологиянинг ўқитишда бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш услублари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқа ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалашдан иборат. Масалан, ахборотни эслаб қўлишга йўналтирилган, таълим ўқувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкил қилиш бошқарув ва қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади.

Педагогик технология услублари (ўзининг бошланғич маъносида) дастлаб ўқитишнинг ҳаракатини намунавий вазиятидаги (белгиланган қоида бўйича) ўзлаштириш талаб этиладиган маҳсулдор (репродуктив) даражаси учун ишлаб чиқилганди. Репродуктив таълим ҳар қандай таълимнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади, у инсоният жамғарган тажрибани аниқ ўқув фани доирасида ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълим ўқувчиларда билим ва кўникмаларнинг маълум пойдевори ҳосил қилинганидан кейингина, таълимнинг натижалари продуктив ва ижодий ёндашиш услубларига ўтиш мумкин.

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмаларни тузилмада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш, лавҳаларга ажратиш каби усуллар ҳозирги кунга келиб қайта-қайта такрорлаш мумкин бўлган таълим технологияси ғоясида мужассамланган.

У асосан ўз ичига қуйидаги омилларни олади (бунда қисқача мазмуни берилган):

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув тадбирларнинг мажмуаси (бу босқичда ўқувчилар билан мулоқот асосида таълимга жорий тузилишлар киритилиши лозим);
- натижалари баҳолаш.

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, етакчи услубчи-ўқитувчилар гуруҳи педагогик технологиянинг қонун-қоида ва тамойиллари асосида услубий ашёларни ишлаб чиқиш пайтларида юқорироқ малака талаб этилади. Лойиҳа тайёр бўлгач, ўқитувчи асосан ташкилий ва

маслаҳатчи (ижодий кўшимчалар киритиш имконини сақлаган ҳолда) вазифаларни бажаради.

Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, ўқувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисоблариган ўқувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ камраб олиши керак.

Педагогик технология бу ўқитувчи фаолиятини янгиловчи ўқув жараёнининг белгиланган мақсад ва мазмун асосида лойиҳаланган, шунингдек, ўқувчи шахсини шакллантирувчи, таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган омиллар йиғиндисидан иборатдир.

Энди методикага келсак, ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш (назорат қилишнинг оғзаки, ёзма, савол-жавоб, аралаш, тест ва ҳоказо) ва ўтказиш борасидаги тавсиялар йиғиндисидир.

Янги педагогик технология деганда ўқитиш мақсадларини йўлга қўйиш, ўқув жараёнини тузиш ва уни самарадорлигини ўзида камраб олган, ўқув жараёнининг тўлиқ бошқарувчанлик ғоясидан иборат бўлган мазмун тушунилади.

Замонавий педагогик технология турларини таълим жараёнида қўлланиши. «Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири, ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидаси юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Бугунги кунда ўқитувчилар дарсларни, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этишда ўқувчини фаолликка ундаш, унда мустақиллик, ижодий изланиш кўникмаларини ҳосил қилишда самарали саналган интерфаол методлардан фойдаланишга эътибор қаратишлари лозим. Айни ўринда ўқитувчиларнинг интерфаол методлар ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида бу турдаги бир туркум методлар тўғрисида сўз юритиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Қуйида уларнинг турлари ва моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтилади.


Ақлий ҳужум технологияси. Ақлий ҳужум технологияси бирор

муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келадиган самарали усуллардан биридир. Ақлий ҳужум услубини қўллашда ўқитувчи ўқувчиларини тўплайди, улар олдига бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди. Мазкур босқичда ўқувчилардан ҳеч бири бошқа катнашувчиларнинг ғояси, фикрини муҳокама қилиш ёки баҳолаши мумкин эмас. Билдирилган бар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади, қанча кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунча яхши. Билдирилган ғоя ва фикрларни толдириш, кенгайтириш, қайта ўзгартириш мумкин. Ғоялар ёзилган варақлар деворга осиб қўйилади. Берилган ғоялар асосида муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган ечимни тиклаш учун муҳокама ўтказилади. Бу ҳақиқатан ҳам ўқувчиларнинг таълим жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён этиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи самарали методдир.

Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўқув фаолиги 5—10 дақиқа оралиғидаги вақт чегарасида енгиллаштирилади. Ақлий ҳужум турли шаклда қўлланилиши мумкин: масалан, қандайдир мавзунини муҳокама қилиш учун янги савол қўйиш ёки исталган қандайдир муаммони ҳал этиш ва ҳоказо.

Тармоқлар (Кластер) технологияси. Фикрларнинг тармоқланиши бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон-бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади. Бу услуб бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

Бумеранг технологияси. Бумеранг услуби бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга ёналтирилган. У турли мазмунга (муаммоли, мунозарали ва ҳоказо) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида чиқиши мумкин. Бумеранг технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади: хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.




Кичик гуруҳларда ишлаш технологияси. Ўқитувчи ўқувчилар билан кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиши учун фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади. Мавзунинг керакли асоси яратилади. Мавзунинг ўрганишдан олдин ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозим. Кейин гуруҳ ўқувчилари кичик гуруҳларга, яъни 3—5 кишидан бўлинишлари керак. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга аниқ кўрсатмалар берилади. Берилган муаммони ечишда ўқитувчи ўқувчиларни қўллаб-қувватлаб ва йўналтириб туради. Мавзу сўнгида муҳокама қилинади.

Ўқувчи кичик гуруҳларда ишлаганида дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида болишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтайи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

«Блиц-сўров» методи. Блиц-сўров (инглизча «блиц» — тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақазо этадиган метод саналади. Унга кўра ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқади ва

ўқувчиларнинг эътиборларига ҳавола этади. Ўқувчилар берилган саволга қисқа муддатда, лўнда ва аниқ жавоб қайтара олишлари лозим. Гуруҳ ёки жуфтликда ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга жавоб қайтаради, унинг шериклари ёки гуруҳдошлари жавобни тўлдиришлари мумкин. Бироқ, фикрлар такрорланмаслиги лозим. Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.



«Т-жадвал» технологияси. Бу технологияда ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини ёритиш мақсадида бир неча асосий белги, таянч тушунчаларнинг мазмуни уларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида очиб берилади. Кўп ҳолларда мазкур технология мавзу асосини ташкил этувчи бир неча ҳолатларнинг афзалликлари ёки камчиликларини, самарадорлик ва самарасизлик даражасини, бугунги кун ва истикбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўланилади. Ушбу технологияни қўллаш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) ўқувчилар эътиборига ўрганиладиган мавзу, масала ёки топширик ҳавола этилади;
- 2) ўқувчилар «Т-жадвал» методини қўллаш шартлари билан таништириладилар;
- 3) ўқувчилар гуруҳ (жуфтлик)ларга бириктириладилар;

4) ажратилган вақт оралиғида гуруҳ (жуфт)ликлар жадвал шаклида берилган топшириқ моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга оширади, яъни жадвалнинг чап ва ўнг томонларига масаланинг бири-бирига зид ҳолатларни баён этадилар;

5) гуруҳ (жуфтлик)лар томонидан тўлдирилган жадваллар ўзаро солиштирилади;

6) масаланинг ечими юзасидан якуний хулосага келиниб, ягона «Т-жадвал» шакллантирилади.

«Т-жадвал» методидан фойдаланиш учун қуйидаги схема тақдим этилади:

ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
Афзаллиги	Камчилиги
1.	1.
2.	2.

Амалий ўйинлар технологияси. Амалий ёки ишчан ўйинлар янги мавзунини ўзлаштириш, такрорлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш вазифаларини бажариш имконини беради. Ўқув жараёнида амалий ўйинларнинг турли шаклларида фойдаланиш мумкин (тақлид қилиш, ролли ўйинлар театр дарслари, сахна кўринишлари ва ҳоказолар).

Тақлид қилиш ўйинларида машғулот жараёнида ташкилот, корхона иши тақлид этилади (иш йиғилиши, иш режасининг муҳокамаси, музокаралар, мунозараларни олиб бориш, суд, патент ташкилоти, илмий кенгашларда чиқишлар ва ҳоказо).

Ролли ўйинлар дарсида ўқувчи турли хил характердаги инсон образига қалбан киришиб кетади. Ўйинда ўқувчиларга асосан тугалланмаган вазиятлар акс этган муаммоли сахна кўриниши роллари берилди. Ўқувчилар ушбу берилган муаммоли ролларни мустақил равишда охирига етказиб ўйнашлари лозим.




Театр дастурларидаги ролли ўйинлар бошқа инсонларни тушунишга ўргатади. Ушбу усул ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, ҳаётда ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута билишга, тарбияланганлигига

хамда мустақил ҳаёт кечиришдаги ўзининг қарашларини асослаб бера оладиган инсон сифатида шакллантиради.

«Балиқ скелети» методи. Бу метод ўқувчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Методни қўллашда ўқувчиларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади:

- 1) ўқитувчи ўқувчиларни методни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) улар гуруҳларга бириктириладилар;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажарадилар;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этадилар;
- 5) жамоа гуруҳлар ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради.

Ўқувчилар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажарадилар:



«Кейс-стади» технологияси. «Кейс-стади» (инглиз тилида «case» мажмуа, аниқ вазият, «study» — таълим) технологияси ўқувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технология ўқувчиларни бевосита бар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг самарадорлиги ўқув жараёнини қуйидаги технологик босқичларда ташкил этилишига боғлиқ:

- 1) кейс ечимини топиш бўйича индивидуал ишлаш;
- 2) кейс ечимини топишда жамоавий ҳамкорликка эришиш.

Мазкур технологияни қўлашда индивидуал ишлашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:

- 1) ўқувчининг кейс-стади технологияси моҳияти ва ундан фойдаланиш шартлари билан танишиши;
- 2) ўқувчи томонидан тақдим этилган муаммонинг ўрганилиши;
- 3) муаммо юзасидан асосий ва иккинчи даражали масалаларни ажратиш, шакллантириш ва асослаш;
- 4) тадқиқот методларини танлаш ва вазиятни таҳлил қилиш;
- 5) тақдим этилган муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганиш;

- 6) берилган муаммони ечишнинг усул ва воситаларини аниқлаш;
- 7) тақдим этилган ечимни таълим амалиётига татбиқ этиш ибора-тадбирларини белгилаш.

Кейс-стади бўйича жамоавий ҳамкорлик қуйидаги тартибда амалга ошади:

- 1) муаммо, унинг ечимлари юзасидан жамоа (гуруҳ) аъзолари ўзаро фикр алмашадилар;
- 2) масаланинг ечими сифатида тақдим этилган вариантлар муҳокама қилиниб, уларнинг мақбуллик даражаси баҳоланади;
- 3) муаммоли вазиятнинг ечимини таъминлайдиган аниқ дастур ишлаб чиқилади;
- 4) масаланинг ечими тўғрисида маълумот берадиган тақдимот тайёрланади ва унда намойиш этиладиган материаллар расмийлаштирилади.

«Нилуфар гули» технологияси. Бу технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бири бўлиб, шаклан нилуфар гули кўринишига эга. Ягона асос, унга бириккан тўққизта «гулбарг» (квадрат, тўртбурчак ёки айланала)ларни ўз ичига оладиган мазкур метод ёрдамида етакчи муаммо ва унинг мазмунини ёритилишига имкон берадиган хусусий масажалар ҳал этилади. Ўқувчиларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган мазкур методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) ҳал этиладиган масала аниқлаштирилади;
- 2) ўқувчилар топшириқ мазмуни ва уни ечиш шартлари билан таништириладилар;
- 3) ўқувчилар кичик гуруҳлар (ёки жуфтликлар)га бириктириладилар;
- 4) гуруҳ ёки жуфтлик аъзолари марказий тўртбурчак (квадрат, айлана)да асосий муаммо (ғоя, вазифа)ни қайд этадилар;
- 5) мазкур масала ечими юзасидан фикр юритиб, марказий тўртбурчак (квадрат, айлана) атрофида саккизта худди шундай ёрдамчи чизмаларни ҳосил қиладилар, уларда масаланинг хусусий ечимларини баён этадилар;
- 6) ёрдамчи шаклларда ифодаланган ғояларни «гулнинг барглари»га, яъни алоҳида яна шундай мажмуага олиб чиқадиладар (ўз навбатида уларнинг ҳар бири яна бир муаммо кўринишини олади);
- 7) ёрдамчи чизмаларда ҳам асосий муаммо (ғоя, вазифа) ёритилган чизма каби «гутбарглар»да хусусий масала ва ечимлар акс эттирилади;
- 8) ўрганилаётган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бу жараён бир неча бор такрорланиши мумкин;
- 9) ҳар бир гуруҳ ёки жуфтликлар топшириқ юзасидан ўз ечимларини тақдимот тарзида баёу этадилар;
- 10) гуруҳлар томонидан тақдим этилган ечимлар муҳокама қилинади ва энг тўғри вариант аниқланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогик технологиянинг мазмун моҳиятини изоҳлаб беринг.
2. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у ананавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?
3. Педагогик технологияга педагогик адабиётларда кимлар томонидан таърифлар келтирилган?
4. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?
5. Педагогик технология ўз ичига қандай омилларни олади?
6. Замонавий педагогик технология тирларини таълим жараёнида қандай ёллар билан қўллаш мумкин?
7. Ақлий ҳужум технологиясини изоҳлаб беринг.
8. Тармоқлар ва бумеранг технблогиялари дарсинг қайси босқичларида қўлланади?
9. Кичик гуруҳларда ишлаш ва амалий ўйинлар технологивалари қандай дарс турларида қўлланади?
10. «Блиц-сўров» методи ва «Т-жадвал» технологиясини изоҳлаб беринг.
11. «Балиқ секлети» методи ва «Нилуфар гули» технологиясини изоҳлаб беринг.
12. «Кейс-стади» технологияси қандай босқичларда амалга оширилади?

16-МАВЗУ

МЕҲНАТ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Режа:

1. Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари.
2. Календар тематик режа.
3. Ўқув устахонасида ясаладиган буюмлар рўйхати.
4. Дарс режаси ва конспекти.

Меҳнат таълимини режалаштириш ўқув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат бўлиб, у дидактика принципларига тўла-тўқис мос келадиган бўлиши керак. Меҳнат таълимини режалаштиришни, меҳнат бўйича ўқув материалларининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим – ишлаб чиқариш объектларининг белгиланган муддатда бажаришлари ва ўз вақтида буюрмачиларга топширишларини ўқувчиларни ўз ўринларига ўзгарувчан график асосида қўйиб чиқишни; илмий техник билимларнинг меҳнат кўникмалари ва малакаларининг юқори даражада бўлиши.

Меҳнат таълимини режалаштириш вақтида қуйидаги ҳужжатлар тузиб чиқилади:

1. Меҳнат бўйича ярим йилга мўлжалланган календар мавзули режа.
2. Ҳар бир меҳнат тури бўйича ярим йилга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилган ўқув ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати.

3. Табиий илмий туркумдаги фанларнинг йиғма мавзу режаси. Унда фанлараро боғланишлар акс этиши лозим.

4. Аниқ мавзу юзасидан батафсил дарс ишланмага эга бўлган дарс режаси.

ДАРС РЕЖАСИ

1. Дарс мавзуси.

2. Дарснинг мақсади.

3. Иш объекти.

4. Дарсни жиҳозлаш.

5. Дарснинг ташкилий қисми.

А) давоматни аниқлаш

Б) навбатчи тайёрлаш

6. Кириш инструктажи.

а)

б)

в)

7. Жорий инструктаж.

Ўқувчилар йўл қўядиган типик хатоларни намойиш қилиш, бу хатоларнинг сабаблари ва уларни бартараф қилиш усулларини тушунтириш.

а)

б)

в)

8. Якуний инструктаж

9. Ўқувчиларнинг хатоларини текшириш, бажарилган ишни унумли баҳолаш.

10. Дарснинг якуний қисми.

11. Иш ўрнини йиғиштириш.

Ўқув устахонасида бажариладиган буюмлар рўйхати.

Ўқув устахонасида бажариладиган буюмлар рўйхати ярим йилга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилади. Уни ишлаб чиқаришда уста, меҳнат таълими ўқитувчилари ва устахонанинг мудирини катнашади. Ўқув устахонасида бажариладиган буюмлар рўйхати календар тематик режага қўшимча равишда тузилади. Бу қуйидаги принципларга асосан ишлаб чиқилган.

1. Ўқитиш унумли меҳнат асосида олиб борилади.

2. Буюмлар оддийдан мураккабга қараб жойлаштирилган.

3. Ҳамма буюмлар операсиялар бўйича нормаллаштирилган. Бу эса ўқувчиларни меҳнат жараёнини режалаштиришга ўргатади.

Табиий илмий туркумдаги фанларнинг йиғма мавзу режаси. Бу ҳужжатда меҳнат ва касб таълими, физика, математика, кимё, чизмачилик ва бошқа фанларнинг ўзаро боғланиши очиқ берилди.

Ана шу режалаштирувчи ҳужжатларнинг мазмуни меҳнат дарсларида амалга оширилади.

Мавзу ўрганишга киришилганда ўқув материалининг физика, математика, кимё, чизмачилик ва ҳоказо фанлардан ўқувчилар олган билимини этказишга ҳаракат қилмайди. Ўқитувчи суҳбат ўтказиш йўли билан ўқувчиларнинг бу

соҳадаги билимларини қандай ўзлаштириб олганликларини аниқлайди ва ана шу фанлардан олган билимлар асосида уларга ишлов берилаётган металлнинг тузилиши ва қирқиш жараёнини тушунтириб беради.

Саволлар:

1. Меҳнат таълимида режалаштирувчи ҳужжатлар нечта?
2. Календар мавзули режа қачон ва нимага асосланиб тузилади?
3. Ўқув хонасида ясаладиган буюмлар рўйхати қачон ва нимага асосланиб тузилади?
4. Кириш, жорий якуний инструктажлар қачон ва қай пайтда қўлланилади?
5. Меҳнат таълимида режалаштиришда қандай муаммоларга учраш мумкин?
6. Дарс режаси неча кўринишда тузилади?
7. Намунали дарс режаси қачон тузилади?
8. Режасиз дарс ташкиллаш мумкинми?
9. Муаммоли дарс турларидан қайсиларини биласиз?

